

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

# ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

## Тармоқ маркази директори

---

С.Ю.Маткаримов

“ ” 2015 йил

# “ШАҲАРСОЗЛИК ИННОВАЦИЯЛАРИ”

## МОДУЛИ БЎЙИЧА

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: проф. *М.К.Ахмедов*

ТОШКЕНТ-2015

## Мундарижа

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
МАЪРУЗА МАТНИ .....	8
<b>1-Мавзу: Архитектура ва шаҳарсозлик инновацияларининг аҳамияти.</b>	
Меъморий инновациялар тўғрисида тушунча .....	8
2-Мавзу: Илк шаҳарсозлиқдаги илғор ғоялар. Ўрта асрлар шаҳарсозлигига етакчи йўналишлар: .....	25
3 – Мавзу: Шаҳарсозликда меъморий ансамбллар ва комплекслар.....	37
4 - Мавзу: Илмий техник тараққиётнинг шаҳарсозликка таъсири. шаҳарлар чегараларининг ва шакллари кўринишларининг нисбийлиги. ....	49
5-Мавзу:Хозирги замон чет эл шаҳарсозлигига янги фикрлар. Барқарор шахарлар ва “Ақлли архитектура” тушунчалари. ....	57
6-Мавзу:Ўзбекистон шаҳарсозлигининг истиқлол даври вазифалари ва шартлари. Ландшафт дизайнни ва меъморликдаги инновацияларининг янги شاҳарсозликка таъсири. ....	73
ГЛОССАРИЙ.....	83

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“ШАҲАРСОЗЛИК ИННОВАЦИЯЛАРИ”** модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини замонавий шаҳарсозликдаги инновациялар ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, муайян шароитларга мос ҳолда ечим танлаш усуллари бўйича мутахассислик профилига мос билим, кўнишка ва малакани шакллантиришдир. Шаҳарсозлик инновациялари масалалари ўзининг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, мантиқий асосда уларни режалаштириш ва ривожланишини ижтимоий фаолият ва иқтисодий кўрсаткичлар билан узвий боғлаган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Кўркам шаҳарларни барпо этиш – бу энг аввало жамият фаолиятининг ва шахснинг муносаб ривожланиши ҳамда инновациялардан иборатdir. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бадиий-эстетик тушунча – бу шаҳар қиёфаси ва унинг турли-туман томонлардан кўриниши фақатгина бадиий фаолият билан боғлиқ эмас. Шаҳарсозлик инновацияларининг турли-туман масалалари билан қўшилиб кетади. Шу туфайли шаҳарсозликнинг утилитар ва эстетик масалалари ўртасида қатъий фарқ мавжуд. Фанни ўқитищдан асосий мақсад – талабаларга шаҳарсозлик мажмуалар композицияси, архитектуравий мажмua ва уни ташкил қилиш воситалари, шаҳарларни ривожлантиришнинг композицион тамойиллари каби илмий асосланган билимлар тизимини беришдан иборат.

### **“ШАҲАРСОЗЛИК ИННОВАЦИЯЛАРИ”** модулининг вазифалари:

Шаҳарсозлик инновациялари яхлитлик яратиш учун мана шу икки масала – утилитар ва эстетик томонларнинг узвийлигига эришиш йўлларини топиш кўнижасини шакллантириши керак. Бунга янги имкониятлар яратадиган маҳаллий анъаналар ва табиий шарт-шароитлардан фойдаланиш яхши натижка беради.

Шаҳар муҳитида инновацион мұхандислик ва техник иншоотларнинг кўпайиб бориши шаҳарсозликда аънанавий дунёқараашларни ўзгаришига ва янгича эстетик дунёқараашларнинг шаклланишига олиб келади.

Шаҳар қурилишини бадиий жиҳатдан бошқариш, режалаштириш ва технологик ривожлантиришда ягона давлат бошқариш институтларидан фойдаланиш яхши натижка беради.

Бу омиллар шаҳарларнинг меморий қиёфаси ва мезонларида, уларни эстетик баҳолашда ижобий ўзгаришлар киритади.

Шаҳарнинг қиёфасини инсон томонидан ҳажм-фазовий қабул қилиб олинадиган ташқи қўринишига мавжуд муҳит катта таъсир кўрсатади. У кенг миқёсдаги ғоя, тассавурлар ва туёғуларни аниқлаб беради. Инсонда ижобий туёғуларни уйғотиш – шаҳар архитектура қиёфасининг бирдан бир вазифасидир. Бундан ташқари қатор бошқа омиллар ҳам мавжуд. Улар сирасига индивидуал қурилиш фаолияти, фирма ёки бошқа жамоа ташкилотлари, давлат буюртмаси, хорижий инвесторлар олиб борадиган қурилиш фаолиятининг накадар бир-бирига мос тушиши ёки мос келмаслиги масаласини киритиш мумкин. Бунда турли-туман ғоявий ва аҳлоқий дунёқарашлар, эстетик мақсадларнинг қондирилиши масаласи эстетик хилма-хилликка олиб келиш вазифасини ҳал қиласи.

### **“ШАҲАРСОЗЛИК ИННОВАЦИЯЛАРИ” модулини ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- шаҳарсозлик ҳақидаги тасаввурга эга бўлиши керак;
- анъанавий шаҳарсозлик турлари, таркиблари, ишлатилиш кўлами ва уларнинг тарихий босқичларини билиши зарур;
- шаҳарсозликда инновацияларни қўллаш, ансамбллар тузиш, шаҳар қисмларини шакллантириш қўнималарига эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Янги архитектура: Чет эл, МДХ ва Ўзбекистон”, “Қурилиш соҳасидаги инновациялар ўқув модуллари билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвийдир.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий шаҳарсозлик усулларини қўлланилиши қўнималарига эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий	машгулот	Кўчма	машгулот
1	Кириш. Архитектура ва шаҳарсозлик инновацияларининг аҳамияти. Меъморий инновациялар тўғрисида тушунча.	2	2	2				
2.	Илк шаҳарсозлиқдаги илғор ғоялар. Ўрта асрлар шаҳарсозлигига етакчи йўналишлар.	4	2	2				2
3.	Шаҳарсозлиқда меъморий ансамбллар ва комплекслар.	4	4	2	2			
4.	Илмий техник тараққиётнинг шаҳарсозликка таъсири. Шаҳарлар чегараларининг ва шакллари кўринишларининг нисбийлиги.	4	4	2			2	
5.	Хозирги замон чет эл шаҳарсозлигига янги фикрлар. Барқарор шаҳарлар ва “Ақлли архитектура” тушунчалари.	6	6	2	2	2		
6.	Ўзбекистон шаҳарсозлигининг истиқлол даври вазифалари ва шартлари. Ландшафт дизайни ва меъморлиқдаги инновацияларнинг янги шаҳарсозликка таъсири.	4	4	2			2	
	<b>Жами:</b>	<b>24</b>	<b>22</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

“Шаҳарсозлик инновациялари” фанининг мазмуни ва моҳияти. архитектура ва шаҳарсозлиқда инновацияларнинг аҳамияти. меъморий инновациялар тўғрисида тушунча. Шаҳарсозлик инновациялари жиҳатларини мантиқий ҳолда унинг ривожланиши ва режалаштирилишини табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар билан узвий боғланган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Гўзал шаҳарни барпо этиш – бу энг аввало жамият фаолиятини ва шахсни муносиб ривожланиши учун ва ҳамда кишиларнинг меъморий иншоотлардан қониқишини таъминлашдир. Шуни инобатга олиш керакки, бадиийлик тушунчаси – бу шаҳар иморатларининг ўзаро ҳамоҳанг ягона қиёфада қўшилиб кетишидан ташкил топади. Шу билан бирга уларнинг эстетик жиҳатларини ифодалаб берадиган қатор омиллар мавжуд.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Шаҳарсозлиқда меъморий ансамбллар ва комплекслар. Шаҳарнинг қиёфаси нарсани фазовий инсон томонидан қабул қилиб олинадиган ташқи қўринишини муҳити, қиёфани таъсири катта. У кенг миқёсдаги ғоя ва тассавурларни ва туйгуларни аниқлаб беради.

Одамда ижобий ҳиссиёт таъсирини аниқлай беради. Инсонда ижобий туйгуларни уйғотиш – бирдан бир шаҳар архитектура қиёфасини вазифасидир. Бундан ташқари тескари боғлиқлар ҳам мавжуд. Уларнинг ғоявий ва аҳлоқий дунёқарашлари, эстетик юксак мақсадларига ўзларида талаб қондирадилар.

Шаҳарнинг қиёфасида унинг босқичма босқич кўпқиррали ривожланишини тасвири мавжуд.

Мана шу оқим асосида 1960 - йилларда “муҳитли ёндашув” деган тушунча ривожланди. Унга биноан меъморчилик сунъий борлик яратиш санъати бўлганлиги учун ҳар бир иморат ички ва ташқи муҳитининг шаклланишини таъминлаши керак деб ҳисобланарди. Бу ҳам функционализмнинг рационализм, органик архитектура ва бошқа номлар билан қоришиб кетган дунёқарashi эди. Бироқ бунда шаклнинг муҳит билан боғланиши эркинлиги диққатга сазовордир. Ҳозирги замон чет эл шаҳарсозлигига янги фикрлар. Барқарор шаҳарлар ва “ақлли архитектура” тушунчалари. Шаҳар архитектура қиёфасини маънолиги унинг муҳим сифатидир кўпгина омиллар энг аввало режалаштириш туркумини қулаганини келишилганлиги унинг қисмлари билан ҳамоҳанглигидир.

Қаерда фаоллий муаммолар бартараф этилган бўлса жамоат марказлар тизими мавжуд бўлса ва аниқ ажратилган саноат худудлари ўзаро боғлиқ йўл коммуникациялари бўлса, одатда шаҳар қиёфаси таъсирли. У аниқ ва инсон томонидан тушуниб олинади. Шаҳар қиёфаси равшанлигини унча кам бўлмаган омиллардан – бу ўз-ўзига хос қайтарилимаслигидир. Айнан шаҳарларни ўзига хослиги орқали уларнинг кўп кирралиги намоён бўлади. Шаҳар қиёфаси ўзига хослиги ўзаро доимий ҳаракатдаги омилларни, табиий мухит, тархий мерос шаҳарсозлик саноатини даражаси, техникавий имкониятлари ва бошқалар натижасида эришилади. Жойларни табиий шароитларда, шаҳар ривожланадиган жойда юзага чиқиши имконияти бўлган ҳолларда ёрқин архитектуравий композициясини барпо этиш ва шаҳар қиёфасини ўзига хослигига эришиш кўп ҳолларда яширилган.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Илк шаҳарсозликдаги илғор ғоялар. Ўрта асрлар шаҳарсозлигига етакчи йўналишлар.

### **Асосий адабиётлар**

1. М.К. Аҳмедов. Шаҳарлар эстетикаси / ўқув қўлланма. Тошкент: ТАҚИ, 2015
2. Po'latov X. Shaharsozlik tarihi. Toshkent, 2009
3. Исамуҳамедова Д.У., Адилова Л.А., Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси Т. Фан ва технология 2010 I-II қисм.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Аҳмедов М.К. Пути развития средневековых архитектурных ансамблей Узбекистана. Ташкент: Фан ва технологиялар, 2014.
2. Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меморчилиги тарихи .-Т.: “Ўзбекистон”, 1995.- 215с.
3. Аҳмедов М.К. Меморий мерос (2 қисмдан иборат).-Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, бет ва 4+16 рангли расм.
4. Маноев С.Б. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигига меъморий ансамбль ва комплекслар.

### **Интернет сайatlari**

1. [http://mvw.arhitekto.ru/txt/2razv\\_16.shtml](http://mvw.arhitekto.ru/txt/2razv_16.shtml)
2. [http://www.glazvchev.ru/books/mirarchitctury/glava\\_8/glava\\_08-01.htm](http://www.glazvchev.ru/books/mirarchitctury/glava_8/glava_08-01.htm)
3. [http://www.natlib.uz/rus/calendar\\_2006.pdf](http://www.natlib.uz/rus/calendar_2006.pdf)- Национальная библиотека Узбекистана
4. <http://www.archunion.com.ua/slovarik.shtml>

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

### **1-Мавзу: Архитектура ва шаҳарсозлик инновацияларининг аҳамияти.**

#### **Меъморий инновациялар тўғрисида тушунча**

##### **Режа:**

1. Шаҳарсозлик инновацияларини ривожлантириш масалалари
2. Архитектуравий мажмуа ва уни ташкил қилиш воситалари.
3. Шаҳарларни ривожлантириш истиқболи ва уларнинг композицион муаммолари; шаҳар силуэтини бошқариш.

**Калит сўзлар:** Шаҳарсозлик, инновация, шаҳар, марказ, силуэт, фазовий тизим, шаҳар қиёфаси, мажмуа, жамоат марказлари

#### **1. Шаҳарсозлик инновацияларини ривожлантириш масалалари**

Шаҳарсозлик инновациялари жиҳатларини мантиқий ҳолда унинг ривожланиши ва режалаштирилишини табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар билан узвий боғланган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Гўзал шаҳарни барпо этиш – бу энг аввало жамият фаолиятини ва шахсни муносиб ривожланиши учун ва ҳамда кишиларнинг меъморий иншоотлардан қониқишини таъминлашдир. Шуни инобатга олиш керакки, бадиийлик тушунчаси – бу шаҳар иморатларининг ўзаро ҳамоҳанг ягона қиёфада қўшилиб кетишидан ташкил топади. Шу билан бирга уларнинг эстетик жиҳатларини ифодалаб берадиган қатор омиллар мавжуд.

Шаҳар марказини қиёфасига эстетик талаблар. Шаҳар марказини шаклланитиришдаумумий масала уларни ролини ахолини жамоат хаётини жамлашда, инсон кўзини шаҳарни гавжум жойлари қўринишида, қулай бўлишлари, ахолини турли хил талабларини, қониқтириш ва қўллаб туришлари тегишли керакли равишда басавлат бўлишлари талаб этади.

Айрим холларда барпо этилагн шаҳар маркази бошқатдан барпо этиш уларни янги ижтимоий ва фаолий боғланишини жавоб берадиган жамоа мажмуалари билан бир томондан, ва 2-томондан ўсиб бораётган шаҳар

худудларига баробар композицион тизимини тузиш ва табиий ва сүйй манзарани ўрнатиш.

Умумшахар марказларини фаолиятини бошқатдан кўриб чиқиш маданий ва ахборот имкониятлари энг мухим халқ хўжалигинибошқариш қисмларини, корхона марказини оширишга қурилишни зичлаш ва биноларни қаватларини оширишга келтиради.

Умумшахар марказни режалашдатуркуми маҳсуслаштириш ва бир бирига кириб кетган фаолиятларни, бир тамондан у маҳсуслаш тирилган марказларни марказий район ташқарисида, бошқа томондан кўпфаолиятли мажмуаларни лойихалаштирилади.

Айрим иншоотлар янада ўзларини мустақиллигини йўқотиб мураккаб бирликни қисми бўлиб қолади. Шахар марказини архитектураси, иншоотларни катта фазовий тизимини бошқариб боради.

Умумшахар марказларини фаолиятини бошқатдан кўриб чиқиш маданий ва ахборот имкониятлари энг мухим халқ хўжалигинибошқариш қисмларини, корхона марказини оширишга қурилишни зичлаш ва биноларни қаватларини оширишга келтиради.

Умумшахар марказни режалашдатуркуми маҳсуслаштириш ва бир бирига кириб кетган фаолиятларни, бир тамондан у маҳсуслаш тирилган марказларни марказий район ташқарисида, бошқа томондан кўпфаолиятли мажмуаларни лойихалаштирилади.

Айрим иншоотлар янада ўзларини мустақиллигини йўқотиб мураккаб бирликни қисми бўлиб қолади. Шахар марказини архитектураси, иншоотларини катта фазовий тизмини бошқариб боради.

Маълумки, таъмирланадиган ва янги қуриладиган шаҳарларнинг бадиий қиёфалари маълум бир халқ ва жамиятнинг иқтисодий имкониятлари, эстетик дунёқарашлари, қурилиш усул ва технологиялари ҳамда тарихий тараққиётидан бошлаб замонавий ривожланиш даврини ўзида акс эттиради.

Шаҳарсозлик инновациялари масалалари ўзининг моҳиятидан келиб чиқсан холда, мантиқий асосда уларни режалаштириш ва ривожланишини

ижтимоий фаолият ва иқтисодий кўрсаткичлар билан узвий боғлаган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Кўркам шаҳарларни барпо этиш – бу энг аввало жамият фаолиятининг ва шахснинг муносиб ривожланиши ҳамда инновациялардан иборатdir. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бадиий-эстетик тушунча – бу шаҳар қиёфаси ва унинг турли-туман томонлардан кўриниши фақатгина бадиий фаолият билан боғлиқ эмас. Шаҳарсозлик инновацияларининг турли-туман масалалари билан қўшилиб кетади. Шу туфайли шаҳарсозликнинг утилитар ва эстетик масалалари ўртасида қатъий фарқ мавжуд.

Шаҳарсозлик инновациялари яхлитлик яратиш учун мана шу икки масала – утилитар ва эстетик томонларнинг узвийлигига эришиш керак. Бунга янги имкониятлар яратадиган маҳаллий анъаналар ва табиий шарт-шароитлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Шаҳар муҳитида инновацион муҳандислик ва техник иншоотларнинг кўпайиб бориши шаҳарсозликда аънанавий дунёқарашларни ўзгаришига ва янгича эстетик дунёқарашларнинг шаклланишига олиб келади.

Шаҳар қурилишини бадиий жиҳатдан бошқариш, режалаштириш ва технологик ривожлантиришда ягона давлат бошқариш институтларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Бу омиллар шаҳарларнинг меъморий қиёфаси ва мезонларида, уларни эстетик баҳолашда ижобий ўзгаришлар киритади. Шаҳарнинг қиёфасини инсон томонидан ҳажм-фазовий қабул қилиб олинадиган ташки кўринишига мавжуд муҳит катта таъсир кўрсатади. У кенг миқёсдаги ғоя, тассавурлар ва туёғуларни аниқлаб беради. Инсонда ижобий туёғуларни уйғотиш- шаҳар архитектура қиёфасининг бирдан бир вазифасидир. Бундан ташқари қатор бошқа омиллар ҳам мавжуд. Улар сирасига индивидуал қурилиш фаолияти, фирма ёки бошқа жамоа ташкилотлари, давлат буюртмаси, хорижий инвесторлар олиб борадиган қурилиш фаолиятининг нақадар бир-бирига мос тушиши ёки мос келмаслиги масаласини киритиш мумкин. Бунда турли-туман ғоявий ва ахлоқий дунёқарашлар, эстетик мақсадларнинг қондирилиши масаласи эстетик хилма-хилликка олиб келиши мумкин.

Шаҳарнинг қиёфасида унинг босқичма босқич, кўпқиррали ривожланиши акс этади. Илмий техник тараққиёт жамоа ва ҳар бир одам фаолиятининг барча соҳаларида, оламни қабул қилиб олиш жараёнларини, шу билан бирга эстетик дунёқарашнинг инобатга олган ҳолда инновацион ғояларнинг биринчи ўринга чиқиши лозимлигини аниқлаб беради. Шу билан бирга илмий-техник тараққиёт жараёни бевосита инсонга таъсир кўрсатиб, унинг шаҳар атроф муҳитини қабул қилиш хусусиятларига таъсир кўрсатади, бундан ташқари, табиий муҳитнинг ўзининг ҳам ўзгариши туфайли ҳозирги замон сунъий фазовий ҳолатининг янгича шаклланишига юзага келади.

Мана шундай ўзгаришларнинг юзага келишини эстетик жиҳатдан аниқловчи ва кўрсатиб берувчи категория ҳамда тушунчалар мавжуд. Бу тушунчалар атрофимиздаги ҳар томонлама бўлаётган ўзгарлардан келиб чиқиб, шаҳарларнинг кўзга ташланадиган архитектура қиёфасида ифодаланади. Улкан қурилиш комплексларида замонавий техниканинг тез суръатлар билан кириб келиши шаҳарсозлар олдига мураккаб муаммони – архитектура асарларини оммавий саноатлаштириш, қурилма ва материалларни эстетик имкониятларидан оммавий фойдаланишдек вазифани кўяди.

Шаҳарсозликнинг ўзининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, мантиқий жиҳатдан шаҳарларни режалаштиришни ва шаҳар ривожланишини ижтимоий фаолият ва иқтисодий кўрсаткичлар билан узвий боғлаган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Гўзал шаҳарни барпо этиш – бу энг аввало жамият фаолиятини ва шахснинг муносиб ривожланиши учун архитектура санъатида эстетик қониқишини таъминлашдир. Шу билан бирга яна шуни ҳам инобатга олиш керакки, бадиий тушунча – бу шаҳар қиёфаси ва унинг элементлари кўринишида кўргина ҳолларда ҳамоҳанг тарзда қўшилиб кетади. Бинобарин улар эстетик назардан бир қаторда туришига қарамасидан улар ўртасида қатъий фарқ мавжуд. Улар инсон ҳаракатининг йўналишига қараб фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам шаҳар қиёфасини қабул қилиш ва айникса уни шакллантириш кўпқиррали фаолият ҳисобланади. Шаҳарнинг ҳақиқий қиёфасини қабул қилиш фаолиятида инсон хотирасида мавжуд шакллар фазо ва

вақт бирлигіда мұхрланади. Объектив борлықнинг ҳақиқий мавжуд томонларини акслантирувчи қиёфа эса инсон онгіда субъектив күринишида акс этади ва ҳар бир инсон онгіда унинг қабул қилиш, фикрлаш, танлаш ва бошқа индивидуал имкониятларидан келиб чиқади. Шаҳар тасвирининг киши онгіда ифодаланиши унинг меъморий сифатларининг акс этиши билан белгиланиб, кўпгина омиллар билан аниқланади ва энг аввало шаҳар режалаштириш усулига мувофиқлиги билан, шаҳар композицияси ва унинг элементларининг мутаносиблиги билан аниқланади.

Қайси бир шаҳарда методологик масалалар ҳал қилинган бўлса, масалан, турар жой мажмуалари, жамоат марказлари тизими, саноат районлари ўзаро боғланган, йўл коммуникациялари ва бошқа тармоқлар шакллантирилган бўлса, одатда бундай шаҳарлар қиёфаси ммукаммал ва тушунарли бўлади. Бундай шаҳарлар ҳам қулай, ҳам гўзал бўлади ва инсонлар томонидан яхши қабул қилинади.

Шаҳар қиёфасининг гўзаллиги унинг ўзига хослиги ва бетакрорлигидадир. Шаҳарларнинг айнан мана шу хусусиятлари - ўзига хослиги орқали, уларнинг кўпқирралиги аниқланади. Шаҳарнинг ўзига хослиги, доимо ҳаракатдаги омилларнинг ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлиб, булардан табиий-географик мұхит, тарихий мерос, шаҳарсозлик маданияти, техникавий таъминот даражаси ва бошқа имкониятларда намоён бўлади.

Энг асосийси – бу табиат ва техниканинг ҳар томонлама иккита ажратиб бўлмайдиган мұхитни шакллантируvчи элементи эканлиги ҳамда биз яшаётган, ҳаракатланаётган ва ўзимиз унинг ажралмас қисми сифатида иштирок этадиган мұхитнинг яхлитлигини ҳис этишdir.

Шу туфайли ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос архитектура қиёфасини шакллантириш ва сақлаб қолиш муаммоси бугунги кунда амалий мазмунга эгадир. Бу муаммонинг илмий асосларини ишлаб чиқишига талаб тобора ўсиб бораверади. Бугунги кунда шаҳарлар қиёфаларини шакллантириш қуйидаги омил билан ифодаланади: мұхтор шаҳарлардан, оммавий ахоли жойлашиши тизимиға ўтиш. Бироқ қайта тикланадиган энергия тизимини ишлаб чиқариш ва

қўллаш ҳамда экологик масалаларда хусусийлик сақланиб қолади. Шаҳарларнинг ташки боғланиши ташки тез юрар транспорт коммуникацияларига боғлиқ бўлиб қолади ва ўзаро унча узоқ бўлмаган шаҳарларга яқинроқ ёндашиш, хизмат турлари ҳамда марказларини ўзаро дифференциациялаш ғоялари кенгрок тарқалади.

## **2. Архитектуравий мажмуа ва уни ташкил қилиш воситалари.**

Шаҳарсозликнинг улкан суръатлар билан ривожланиши натижасида, ахолининг касбий фаолияти, турмуши ва дам олиши учун қулай муҳитлар яратиш муаммолари юзага келди. Бу муаммолардан одамларнинг эҳтиёжини қондирадиган ва бадиий жиҳатдан уйғунлашган мажмуалар яратиш масаласи келиб чиқади. Маълумки жамоат марказлари шаҳар ташкил этилиши ва ривожланиши билан ривожланган. Масалан, Самарқанднинг Регистон майдони шаҳар шаклланишида пайдо бўлиб, ривожланди. Ўрта Осиё шаҳарларида жамоат марказлари монументал диний бинолар ва савдо иншоотлари билан ажралиб туради. Жамоат марказлари бош чорраҳалар - чорсулар атрофига, шаҳар дарвозалари олдидаги майдонларда ва бозорлар атрофларида шаклланган. Ҳар бир тарихий даврда жамоат марказлари, бинолар таркиби, шаҳарда жойлашиши, қурилиш услуби ва биноларнинг ўзаро масштаблилиги билан фарқ қиласи эди. Ўрта асрлар шаҳарсозлигига жамоат марказлари маҳобатли тарзда ташкиллаштирилар эди. Шаҳар марказларида катта майдонлар ажратилар эди. Бунга мисол Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги Регистон майдонларини келтириш мумкин. Қадимда магистрал кўчалар келиб шу майдонларга туташар эди.

Хозирги кунда шаҳарларнинг умумий композициясида ҳам жамоат марказлари асосий роль ўйнайди. Шаҳар марказларида юқори аҳамиятдаги бинолар, очик майдонлар, монументал ҳайкалтарошлиқ ва пластика асарлари, табиий – ландшафт шакллари, ободонлаштириш қурилмалари интеграциялашади. Марказларнинг бадиий тугалланганлиги, марказий ташкил этувчи бинолар гуруҳининг ўзаро уйғунлашиб, архитектуравий ансамблни

ташкил этганидадир. Бу ерда ансамблни ташкил этувчи қисмларининг бир-бири билан бадиий жиҳатдан боғланиши ва шаҳар тизимида кулминация масалалари келиб чиқади. Бадиий бир-бири билан боғланиш (субординация) – унинг ташкил этувчиларининг ҳажми ва мукаммаллик даражасидан қатъий назар, ансамбл бирлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўтган асрда шаклланган функционал шаҳарсозлик амалиёти ва лойиҳалаш натижаларини олиб қарасак, у бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Олдингидек қаттиқ чекланган ва деталлаштирилган таклифларга нисбатан ҳозирги даврда одамларнинг қулай ва хавфсиз ҳаётгузаронлиги учун муҳим масалаларни замонавий тамойиллар асосида ҳал этиш керак. Жумладан, шаҳар бош режаларида эски шаҳар қисмининг инфратузилмасини ҳал этиш, маданий меросни сақлаш, боғ-паркчилик санъатини қайта тиклаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш, муҳандислик – транспорт тизимларини муаммоларини кечикирмасдан ҳал этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорликка катта эътибор берилиши натижасида пойтахтимизда янги услубдаги бинолар ансамбллари ва комплеклари вужудга келди. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигига шаҳар табиий муҳити ва ландшафтини ташкил этиш масалалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тошкент шаҳрида жаҳон замонавий меъморчилигига “яшил белбоғ” деб номланувчи шаҳар муҳитини кўркамлаштирадиган экологик коридор юзага келди. Тошкент шаҳрида миллий анъаналар асосида Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ташкил этилди. (1-расм). Бу усул чуқур ўрганилиб, бутун Ўзбекистон шаҳарсозлигига тадбиқ этилиши лозим. Миллий боғчилик санъатимизни республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам қўриш мумкин: Ургенчдаги Амир Темур ва Шоирлар боғи, Намангандаги Бобур сайлгоҳи, Кўқондаги Муқимий ва Фурқат боғлари, Навоийдаги Алишер Навоий ҳайкали билан боғ. Бу боғларнинг асосини миллий чорбоғ услуги ташкил этади.

Собиқ социалистик жамиятларида жамоат марказларини лойиҳалашда кўпроқ функционал ва моддий эҳтиёжлар муаммоларига эътибор берилиб, табиий шарт-шароитлар ва бинолар бадиий муҳитига иккинчи даражали масала

сифатида қаралар эди. Бутуниттифоқ лойиха ишлари ва курилишнинг типлаштирилиши натижасида шаҳарлар жамоат марказларида ва айниқса тураржой районларида ўхшаш ва монотон курилишлар юзага келди. Биноларни лойихалашда республикаларнинг табиий шарт – шароити ва халқларнинг асрий анъаналари ҳисобга олинмас эди.

Ҳозирги кунда шаҳарлар ўсиб уларнинг худудлари кенгаймоқда. Шаҳар янги бинолари магистраллар бўйларида жойлаштирилиб, шаҳар атрофидаги майдонларни қамраб олмоқда. Эски марказлар кенгаймоқда, аммо уларнинг режаси замонавий ҳаракат талабларига жавоб бермайди. Натижада шаҳар марказида гурухланган жамоат, маъмурий ва томоша биноларига аҳоли бориши қийинлашади. Бу эса баъзи мамлакатларнинг шаҳарларида жамоат марказларининг шаҳар атрофиға қўчирилишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳодисани олдини олиш учун мавжуд марказларни радикал қайта тиклаш ишлари олиб борилади.

Хўш, бинолар мажмуасини лойихалашда қайси тамойилларга асосланиш керак. Қайси жамоат бинолари турларини ансамбл ёки комплекс тарзда жойлаштириш мумкин. Биринчи навбатда, бу биноларнинг функцияси бир-бирига яқин бўлиши мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, бинолардан фойдаланишда ва хизмат кўрсатишда техник ва технологик жиҳатдан бир-бирига халақит бермаслиги керак. Масалан, институт айрим ўқув биносини унинг қошидаги лицей ёки коллеж билан бирга ансамбл тарзда жойлаштириш мумкин. Агар катта институт ёки университет бўлса, унинг ўқув корпушлари, ректорат, кутубхона, ётоқхона, лицей ва коллеж биноларини яхлит комплекс тарзда жойлаштириш мумкин. Бунга мисол, Тошкентдаги Миллий университет комплекси ҳисобланади. Самарқанд шаҳрида бульвар хиёбони атрофида университет комплекси шаклланди. Йиллар давомида узун айланма бульвар атрофида университет ўқув корпушлари қурила бошланди. Мустақиллик йилларида бу комплекс янги лицей биноси билан тўлдирилди. Бульвар атрофидаги боғ бутун комплексни тоза ҳаво ва салқинлик билан таъминлайди ва талабалар дам олиши учун қулай жой ҳисобланади. Аммо бульвар атрофидаги

кўча ва автомобиллар харакатланиши ўқув жараёнига халақит беради. Шунинг учун университет комплекслари шаҳар асосий кўчаларидан узоқда жойлашиши маъқул.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуидаги илмий натижалар ва хulosалар ишлаб чиқилди:

— XIX – XX асрларда Собиқ Шўролар даврида Ўзбекистон тарихий шаҳарларини қайта қуришда унинг анъанавий структураси етарлича ҳисобга олинмади;

— Рубъа кўринишидаги шаҳар ва унинг элементлари: регистон майдонлари, жума масжиди майдонлари, бош чорраҳа - чорсулар, шаҳар дарвозаларидан бошлаб марказга келадиган расталар, даҳа ва маҳалла марказларидек муҳим шаҳарсозлик элементлари йўқ бўлиб кетди;

— Истиқлол меъморчилигига янгича жамоат бинолари ва уларни лойиҳалаш йўналиши шаклланди. Уларнинг бадиийлигини кучайтириш мақсадида ансамбл, комплекс ва ландшафт меъморчилигига кенг ўрин берилмоқда;

— Истиқлол мафкурасини акс эттирадиган Тошкент шаҳридаги Олий Мажлис биноси, Алишер Навоий Миллий боғи ансамбли, Анжуманлар саройи мажмуаси ва бошқа меъморий ансамбл ҳамда комплексларнинг шаклланиш қонуниятлари чуқур илмий таҳлил қилиниб, ОТМ талабалари ва лойиҳачи – амалиётчи архитекторлар орасида мунтазам ўрганилиб борилиши лозим;

— Республика пойтахти ва вилоятлар марказларида янгидан – янги ансамбл ва комплекслар пайдо бўлмоқда. Булар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва Эзгулик монументи ҳамда Эзгулик аркаси, Хотира майдони, Амир Темур хиёбони ансамбли, Миллий боғ атрофида шаклланган ансамбл, Банклар ассоциацияси ва Аквапарк, Шаҳидлар хотираси мемориали, Бухородаги Кўхна ва боқий Бухоро ансамбли, Термиздаги Алпомиш майдони, Ургенчдаги Жалолиддин Мангуберди ансамбли, вилоятлардаги хотира майдонларини киритиш мумкин;

— Хотира майдонларининг композицияси ва типологияси шаклланди. Бу майдонлар композициясининг асоси ягона ўқда жойлаштирилган майдон ва унинг атрофига жойлаштирилган айвон, ҳайкал, фаввора ҳамда дараҳт ва буталардан иборат;

— Тошкент шаҳрида жаҳон замонавий меъморчилигига “яшил белбоғ” деб номланувчи шаҳар муҳитини кўркамлаштирадиган экологик коридор юзага келди. Бу усул чукур ўрганилиб, бутун Ўзбекистон шаҳарсозлигига тадбиқ этилиши лозим.

### **3. Шаҳарларни ривожлантириш истиқболи ва уларнинг композицион муаммолари; шаҳар силуэтини бошқариш.**

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларининг тикланиши ва унинг асосида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида шаҳарсозлик маданиятнинг вужудга келиш тарихи милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларига бориб тақалишини кўрсатмоқда. Бинобарин, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши ва Шахрисабзнинг 2700 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли хорижий ташкилот ҳамда чет эл мамлакатлари элчихоналари ва олимлари эътирофи иштирокида нишонланганлиги фикримизнинг далилидир.

Бироқ, собиқ шўролар ҳокимияти даврида, миллий меъморлик мана шундай қадимий шаҳарсозлик анъаналари етарлича ҳисобга олинмаганлигини кўрамиз. Чунончи Самарқанд, Андижон, Бухоро ва бошқа тарихий шаҳарларимизда қурилган типовой 4-5 қаватли турар жойларни, кинотеатр, кафе ва бошқа кўпгина иморатларни Россиянинг Магнитогорск, Челябинск шаҳарлари, Белорусия ва Украина республикаларининг кўплаб шаҳарларида учратиш мумкин эди. Бунинг сабаби шундаки, ўша пайтларда қабул қилинган қатор дастурларнинг мақсади индустрiali усулни қўллаб, аҳолини турар жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Бироқ бу дастурлар амалга ошмади ва 1980-йилларнинг охирларида юзага келган сиёсий аҳвол бир қатор ўзбошимчаликларга олиб келди. Бунинг натижасида аҳоли уй –жой билан

етарлича таъминламаганлиги туфайли 1980 йилларнинг бутун собиқ шўролар мамлакати бўйлаб қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳисобидан индивидуал уй жой сектори ривожлана бошлади. Саноат корхоналари ва бошқа объектлар хусусийлаштирила бошланди. Лойихалаш тизими издан чиқиб кетди. Меъморчилик ва шаҳарсозликни ҳуқуқий йўлга солиш муаммоси юзага келди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Давлат Курилиш кўмитаси асосида Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ташкил қилинди. Тез орада “Туар жой кодекси”, “Шаҳарсозлик кодекси” қабул қилинди. Бу қонунлар асосида архитектура ва қурилишни ривожлантиришга қаратилган қатор фармойиш ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Шулар асосида лойиҳасиз қурилиш таъқиқлаб қўйилди. Давлат бюджети ва махаллий хокимиятлар маблағи ҳисобидан шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктларининг бош планларининг тузиш тартиби белгиланди (Бугунги кунда шаҳарлар бош планлари марказлашган ҳолда Республика Хукумати томонидан амалга оширилмоқда).

Маълумки собиқ шўролар даври архитектураси ва шаҳарсозлиги XIX аср охири XX бошларида Европада юзага келган функционализм оқими қонун-қоидалари асосида шаклланган эди. Шу туфайли бу оқимнинг асосини шаҳар худудини саноат, туар жой, дам олиш, жамоа маркази каби функционал зоналарга бўлиш принципи ташкил қиласи эди. Функционализм йўналиши дастлабки XIX-XX аср бошларида саноат шаҳарларини қуриш чоғида ўзини оқлаган эди. Кейинчалик у дормага айланиб қолди ва шу туфайли Европада 1960-чи йилларда ундан воз кечилди. Бироқ таассуф билан шуни таъкидлаш керакки, шўролар тизимидан меърос қолган бу ғоядан воз кечиш баъзи лойиҳаловчилар учун ҳануз қийин кечяпти. Чунки шаҳарсозликка оид баъзи бир меъёрий хужжатларда шаҳарни функционал зоналарга бўлиб қуриш ғояси ҳамон эътироф этилмоқда. Франция, Голландия, Германия ва бошқа мамлакатларда XX асрнинг охирги чорагигача саноат зонаси сифатида фойдаланилган ва бугунги кунда бўш ётган денгиз порти, складлар, завод ва

фабрикалар, худудлари турар жой ва дам олиш масканлари сифатида қайта лойихалаётганлигини кузатиш мумкин.

Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарсозлигида ҳам талайгина ишлар қилинди. Чунончи Самарқанддаги кўн заводи, спирт-ароқ заводи, трикотаж фабрикаси, Бухорода пахта заводи, гўшт комбинати, Фарғонада ёғ-экстракт заводи, Андижон, Ургенч ва бошқа шаҳарларда собиқ шўроларнинг марказга йўналтирилган иқтисодиётига қаратилган талайгина бўш ётган саноат корхоналари ва улкан складлар худуди янги мақсадларда қайта бошдан планировка қилинди. Бу худудларинг аксарияти савдо-сотик муассасалари ёки кўкаламзорлаштирилган майдонлар сифатида ишлатилмоқда. Лекин ҳали ҳануз бўш ётган мана шунга ўхшаш талайгина саноат корхоналари худудларидан самарали фойдаланимаяпти. Бунга эски шаҳарсозлик меъёрлари ва усуллари йўл қўймаяпти. Шунинг учун ҳам эски усуллардан воз кечиб, Республикаиз шаҳарсозлигида юртбошимиз ташабbusлари билан амалга оширилаётган ишлар чуқур илмий тахлил қилиниб, шаҳарсозлик амалиётига кенг татбиқ этилмоғи лозим. Маълумки шаҳарсозликнинг бош омилларидан бири бу ишлаб чиқариш кучлари, аҳоли яшаш пунктларининг ўзаро жойлашуви ва уларнинг ўзаро боғловчи йўллар тизимининг шаклланишидир. Шу туфайли креатив инновацион ғоялар асосида Асака ва Самарқандда автомобил заводлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентдаги вагон-ремонт заводи, металл куйиш заводи, мотор заводи ва вилоятлардаги қатор текстил фабриклари, гилам фабрикалари, логистика марказлари ва бошқалар бунёд этилди. Қисқа муддатда тамоман янги мазмундаги саноат бинолари меъморчилиги саноат бинолари меъморчилиги юзага келди.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонни бошқа вилоятлар билан боғловчи темир ва автомобил йўли, Фарғона водийсига олиб борувчи тунелли тоғ довони йўли, ўнлаб кўприк ва йўл ўтказгичлар бунинг гувоҳидир.

Ўзбекистон иқлим шароитини хисобга олиб, шаҳарсозликда ландшафт архитектурасини қўллаш йўналиши юзага келди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида кенг ривожланган декоратив боғ-роғлар ва чорбоғлар,

фавворалар бунёд қилиш санъати давом эттирилиб, Тошкент шаҳрида Ақва парк, Шаҳидлар хотираси мажмуаси, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ва ўнлаб бошқа боғлар, фавворалар ландшафт меъморчилигини янгича босқичга кўттарди. Тошкентдаги Бўзсув ва Ургенчдаги Шовот каналлари ёқасидаги оромгохларнинг ярятилиши соҳилбўйи архитектурасини юзага келтирди. Буларнинг барчаси инновацион ғоялар амалга оширилмоқда. Ҳовуз ва фаввораларни лойихалашда янгича технологиялар қўлланилмоқда, турли суғориш ускуналари, жумладан автоматик пуркагичлардан фойдаланилмоқда. Илгари дарахтлар тури ва кўринишига етарли эътибор берилмаган бўлса, эндиликда каштан сингари ҳавони яхши тозалайдиган, қуюқ соя берадиган, тикка ўсадиган, одам организми учун зарур бўлган фитоциidlар ишлаб чиқарадиган игна баргли дарахтлар, гул ва буталарнинг янгича турларига кенг ўрин берилмоқда. Мустақиллик даври шаҳарсозлигининг инновацион ғояларидан яня бири Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлармисолида тадбиркорлик обьектларини ўз ичига олган ўрта қаватли турур жойлардан ташкил топган шаҳар иарказий магистралларини шакллантириш фаолиятидир. Бу амалиёт анъанавий расталарни замонавий технологиялар асосида қайта тиклаш харакатидан ташкил топиб, халқ учун қулай ва Европа шаҳарсозлигида бугунги кунда қўлланилаётган усулга мос келади.

Шаҳар композицияси ўзининг пойдевори сифатида планлаштириш қарорига эга. Бироқ у силуэт орқали- яъни шаҳар “танаси” ва бепоён осмон орасидаги чегара билан аниқланади. Нозик дидли кузатувчилар Пол Цукера каби американлик танқирчилар шуни аниқладиларки, бундай чегаранинг характеристидан, осмонни ҳис қилиш мумкин. Унинг ёзишича: осмон баландлигини субъектив ҳис қилиш, атрофдаги иншоотларнинг пастки қисми кенлиги, узунлиги ва баландлиги, ўйини билан чақирилади.

Бунақа хиссиясига карниزلарнинг контури ҳам, фронтонлар, қувурлар ва миноралар ҳам таъсир қиласи.

Одатда, осмоннинг баландлаги ёпиқ занжир ҳосил қилган майдон узра худди, эт баланд бинодан уч-тўрт марта баланд бўлиб кўринади.

Бу баландлик кўпроқ, битта иншоот жойлашган майдонларга, худди париждаги Согласия (Розилик) майдони каби, у ерда осмоннинг баландлиги қўз билан чамалагаира (паст) бўш кўринади.

Биз учун силуэт инсон психикаси нуқтаи назаридан келиб чиқсак, жуда муҳим ҳисобланади. Декарт координат таларидагина, абстракт системадаги на горизонтал-вертикал қийматлар teng бўлади. Унинг ёрдамида хохлаган йўналишда кўчиш мумкин бупра кўтарилиш, ёки тушишни ҳис қилмайсиз. Шунинг учун, горизонтал ўзгаришларнинг барчаси бизнинг оигимизда қайд қилинади, хаттоки бошланғич тасаввурларимизда аниқ муҳрланади. Горизонтал теккисликнинг танлаган йўналиши йўқ. У ҳолда горизонтал теккисликдан, яъни бизнинг оёғимиз остидан, вертикал йўналишдаги нигоҳимиз тез идрок қиласи. Горизонтал йўналишдаги нигоҳимиз одатдаги ҳаётимизни яъни, кундалик ҳаракатларни идрок қиласи вертикал кўринишдагиси эса, руҳий зўриқиши, инсон иродасини намоён қиласи. Ўзига хос “Осмонга йўналтиради”. Бу қадимдан тан олиниб, Библиядаги афсоналар гувоҳлик беради.

Вавилан минораси қурилишида, хуронинг қахри келиб, курувчиларнинг тилларини аралаштириб юборган. Натижада улар гапира олмай, бир-бирини тушунмаганлар.

Азал-азалдан инсон, осмонга вертикал тарзда қурилишлар қуришга аҳамият бериб келган. Двуречья (2 тил) хокимлари баланд платформаларга саройлар ва ибодаги хоналар ўрнатилганлар. Кичрайиб кетган зиналар орқали осмон узра Марказий Америкадаги, Мисрликларнинг ёдгорликлари Двуречья пирамидаси қад қўтарган.

Ундан сўнг юқорига қараб қўнғироқхонала, насройийларнинг ибодатхона гумбазлари, масжид миноралари, будда дини ибодагихонаси елпаклари чўзилган.

Табийки, диний ишоот ва хокимият шаҳар аҳолисини бошқариши керак бўлган. Шунинг учун уларнинг алоқаси туфайли кўриш майдонида силуэт туғилари. Ёзишлорича худди арабий бутун нарсадек.

Бу силуэтга ихтиёрий бўлмаган назар бизга тарих томонидан берилиб, атрофимизни ўраб турган дунёни қабул қиласиз. Маданият бинолари, унда хукмронлик қилган тасаввурлар англанган.

Афинадаги Парфенон ва акрополь бинолари унчалик баланд эмас. (Устунларининг баландлиги 10 метр атрофида). Караганда, унинг асоси бўлиб Акрополь қояси хизмат қилган. У шаҳар узра қад кўтарган. Шаҳарнинг рамзий маркази мустахкам ўрнатилиб, хозирда ҳам вайронга бўлса ҳам, бир неча бор вайрон қилинган хононлар пойтахти устидан хукмронлиги кўриниб туриди. Бизнинг эрамизнинг дастлабки асрларида империяси кенгайиб, катталашиб кетган римликлар, бутун Европани эгаллаб олганлар. Улар тенги йўқ қурувчи бўлганлар. Бироқ бақувват вертикал ишоотлар қуришга интилоганлар. Уларнинг барча қурилишлари бутун дунёга тарқалган, улар кукка қараб қуришга интилмаганлар. Лекин, баландликларнинг кескин ўзгаришига бефарқ бўлмаганлар. Шунинг учун, ҳар бир ибодатхонани, кичик бўлса ҳам, албатта баланд платформага – подиумга ўрнатганлар. Бунда шаҳар марказидан туриб, ибодатхона томи осмон фонида албатта “ўқилиши” керак бўлган. Рим императори хукмронлиги мустахкамланганидан кейин, ҳеч ким верикаларнинг шаҳар хукмронлиги сили этидаги ибодатхоналардан триумфал устунларга (колонна) ўтди: Трояна ҳайкали ва бошқа шунга ўхшаш ёдгорликлар, устунлик қила бошлади. Улар осмон фонида эркин кўриниб турган. Шаҳар плани бўлган қадимги ўймакорлик.

Феодал Европада, Осмон узра шаҳарда доимо вертикал “уруши” давом этган. Шаҳарлиларнинг оддий уйлари узра зарогонларнинг миноралари қад кўтарган. Улар албатта мудофаа ролини ўйнаганлар. Бундан ташқари улар, бугунги кунгача. Балоње устида ҳамма миноралардаги энг балнди. Азинелли-оиласига мансуб. Унинг баландлиги- 120 метр. 13 асрда шаҳарлик комуналок

Италияда ғолиб бўлиб. Бунинг натижасида феодал, савдогар ва хунармандлар билан урушда мағур миноралар вайрон бўлди.

Флоренцияда улардан битта ҳам қолмади фақат Болоньеда бир нечтаси қолган ва биттагина, ривожланишдан тўхтаб қолган. Италия шаҳарчасида Сан-джиминьянода хозирча 20тадан ортиғи сақланиб қолган.

Россия шаҳарларнинг қурувчилари қаримдан силуэтни нозик тузиш билан ажралиб турганлар. Юқорида айтилган, рус шаҳарлари планировкасининг ланшафт принципи у ўзининг тугалланган ифодасини кремл минораларини ва кўп гумбазли соборларини жойлаштириши ва муносабати ҳақида ўта қайгуриши оқибатида юзага келди. Уларга кўпгина бир гумбазли черковлар ўхшаш бўлган.

Баланд бўлмаган, йиллар қорайитирб ташлаган ёғочдан қурилган уйлар, оқ тошдан ёки оқланган катта черковлар, қўнгироқхона устунлари, тилла гумбазлар, осмонда аниқ тасвирланиб аниқ қаришлик кўрсатарди.

Қадимги рус шаҳарсозларининг асосий муаммоси, вертикалларни мохирлик билан жой-жойига қўйиши ва ландшафтнинг адабий потенциалини кўрастиб беришдан иборат.

Асослаб шуни айтиш мумкинки, рус шаҳарлари силуэти, ҳар бир холда таомнидан янгитдан ясалиб, янгидан чизилган.

Меъморий комплекс эса кўпроқ моддий манфаат мақсадларидан келиб чиқади. Масалан, замонавий қўп қаватли тураржой комплекслари, катта завод ёки фабрика тсехларининг функционал бирлашган иморатлари, чорвадорлик ва паррандачилик комплекслари ва бошқалар.

Демак, меъморий илмда мавжуд фикрлар якуни “меъморий ансамбл” деганда бадиий жиҳатдан яхлит бир композитсия тусида шаклланган бино ёки иморатлар гуруҳини тушунишни тақазо этади. Бунда агар мана шу мажмуа иншоотларидан бирортаси бузиб ташланса, ёки мажмуа таркибига янги иморат киритилса ансамблнинг бадиий хусусиятларига путур етказилган бўлади. Бамисоли мусиқа чолғувчилар ансамблида бирор соз ёки созандаги нотўғри олиб ташланиб ёки нобоп алмаштирилганида содир бўладиган носозликдек.

Меъморий комплекс эса бошқача, яъни техник ва моддий эҳтиёжни бирламчи ифода этади. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда асосий масала моддий эҳтиёж талаби бўлиб, бадиий образ масаласи иккинчи даражали бўлиб қолади. Бунда имконият бор вактда узвий бадиий баркамоллика эриш масаласи ҳал қилиниши мумкин, бироқ у асосий вазифани ташкил қилмайди. Имконият йўқ вактда фақатгина техник, технологик, функционал эҳтиёжлар бажарилади, масалан, худди баъзи бир саноат иншоотлари (масалан, юқорида келтирилган товуқчилик фабрикаларини олиб қарайлик)даги сингари қатор бадиий ифодасиз иморатлар юзага келиши мумкин. Бунда ҳам эътиборни бадиийликка қратиш мумкин, бироқ асосий мақсад мажмуанинг бадиий эмас моддий, яъни техник, технологик, функционал умумлашувига қаратилади.

Аммо юқорида кўриб чиқилган ибораларнинг ўзбек тилидаги ифодаси ҳақида фикр юритмасдан бўлмайди. Бугунги кунда баъзи мутахассислар “ансамбл” ёки “комплекс” сўзлари ўрнига “мажмуа”, “туркум” каби сўзларни ишлатмоқдалар. Биз ҳам баъзи ўринларда юқоридаги ифодалардан “бирикма” сўзидан ҳамда Абу Тоҳир Хожа Самарқандий ишлатган “силсила” иборасидан

фойдаландик. Лекин ҳозирча биз анъанавий иборалардан узоқлашиб, Европа терминалогиясига ўрганиб қолган шароитимизда бу сўзлар меъморий ансамбл ёки комплекснинг аниқ маъносини англатмайди. Шунинг учун у сўзлардан “иморатлар грухи” деган ибора синоними сифатида фойдаланиб турилса, келажакда балки ансамбл ёки комплекс сўзларининг жойигаанъанавий иборалар ўринлашиб кетар.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Меъморий ансамбл тузиш санъати Ўрта Осиё меъморчилигига жуда хилма-хил йўналишларга эга бўлиб, кўп қадимий даврларда вужудга келган. Бу масалани чуқурроқ ёритиш учун муаммони шаҳарлар тараққиёти жараёнида ансамбл ва комплексларнинг шаклланиши асосларидан бошлаб кўриб чиқиш зарур.

Меъморий ансамбл тузиш санъатининг тараққиёт йўллари.

Шаҳарсозлик тарихидан маълумки Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадимий шаҳарларнинг таркибий қисмини туркум-туркум қилиб қурилган жамоат бинолари, маҳалла марказлари ва уларнинг атрофини қуршаб олган турар-жой бинолари ташкил этади. Мана шу жамоат бинолари ва маҳалла марказларининг қурилиш услубларида маълум қонуниятлар аниқланган . У ҳам бўлса уйғунлашган мұхит – ансамбл яратиш санъатидир. Ўрта Осиёнинг иссиқ табиий иқлими энг қадим замонлардан бошлаб шаҳар қурилишда майдон ва кўчаларнинг маълум тарзда шакллантирилишини тақозо этган. Чунончи миллоддан олдинги минг йилликнинг ўрталарида мавжуд бўлган шаҳарчаларнинг бугунги харобалари Бозор қалъа, Бургут қалъа, калъали Қир ва бошқаларда жамоат биноларини маълум даражада ажратиб қурилганлигини кўрамиз.

Ўрта Осиё шаҳарсозлиги тарихига назар солганда шу нарса яққол кўринадики, меъморий ансамбллар тузиш санъати қадимдан тарақкий этиб келиб XVI-XIX асрларда жуда қўблаб янги усулларни келтириб чиқарган. Ваҳоланки бу давр меъморчилик обидаларини IX-XII ва XI-XV асрлардан сақланиб қолган осирий аътикалар билан солишириб баъзи бир одамлар асоссиз равишта кейинги асрлардаги Ўрта Осиё меъморчилигини таназзулга юз

тутган деб нотўғри хулосалар қилишади. Аслида эса бундай эмас. Тўғри, ХВИ-ХИХ асрларда бунёт этилган иморатлар ўзининг геометрик шаклланиши, нақшлар ва рангларининг ишлатилиши, маҳобати жиҳатидан темурийлар даври биноларига нисбатан озгина соддароқ кўринишга эга. Аммо ўзбек хонликлари даврида Бухоро ва Хивадаги мадраса ва хонақоҳларининг гумбазлари миёнсаройлари, хужраларининг ечимлар этибор берсак уларда турли-туман конструктив ва меъморий ечимлар ишлатилганлигини, кишини лол қолдирувчи даражадаги гумбаз ички нақшланишларини учратамиз. Бухородаги Кўкалдош, Абдуллахон, Мири Араб, Абдулазизхон мадрасаларининг миёнсаройлари, дарсхоналари ва масжидчалари ҳамда Нодир Девонбеги ва Хўжа Зайнуддин хонақоҳлари гумбазларининг ички безаклари бунинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Шунингдек, ХВИ-ХИХ асрлар шаҳарсозлигига шаҳар маҳаллалари ва қишлоқ марказларида, аҳоли яшаш жойлари оралиqlари ҳамда чеккаларида карvon тўхтови жойларида, муқаддас табиат ўчоқлари (бирор бир булоқ, дараҳт, тош, сой сингари) ва авлиё-анбиёлар саждагоҳи ёки қароргоҳлари қошида пайдо бўлган ансамбллар ҳам алоҳида эътиборга лойик. Уларнинг асосий элементлари ҳовуз, масjid, хужра ва ҳар қайси ҳолатда яна қатор бошқа хона ёки иншоотлардан иборат.

Маҳалла ансамбллари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Кўқон, Гиждувон ва яна қатор шаҳарларда шу бугунгача сакланиб қолган бир неча ўнлаб маҳалла марказлари мисолида маълум. Шаҳар ва қишлоқ ташқарисидаги ансамбллар сирасига эса Самарқанд обlastидаги Хўжа Ахрор, Хўжа Исмоил Бухорий, Маҳдуми Аъзам, Қашқадарё вилоятидаги Хусам ота, Касби қишлоқидаги ансамбл, Бухоро худудида Қиз Биби, Хўжа Ўбон, Навоий вилоятида Қосим Шайх сингари қўпгина ансамблларни киритиш мумкин.

Уларнинг аломати шундаки ҳовуз, булоқ ёки қудук атрофида бир неча йиллар давомида одамларнинг тўхтаб ўтиши, дам олиши ва сифинишига хизмат қиласиган қатор иморатлар эркин тарзда, узлуксиз кенгайиш сифатида шаклланган. Одатда соя-салқинлик яратувчи дараҳт ва гулзорлар уларнинг

ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Шуларни ҳисобга олиб бундай ансамбларнинг шаклланиши илмий адабиётда композитсия жиҳатидан эркин тарздаги (русчасига свободная ёки живописная композитсия) ансамблари номини олаган.

Г.А. Пугаченкова Бухоро савдо гумбазлари ва Самарқанддаги Гўри Амир ҳамда Қутби Чахордахум (XIX асрда бузиб ташлаган) мақбараларнинг шаҳар структурасида йўналтирувчи ҳаракат ўки бўйлаб жойлашганлигини ҳисобга олиб Ўрта Осиёning ўрта асрлардаги шаҳарсозлигида яна бир ансамбл яратиш усули – композитсия ўки ҳаракат бўйлаб жойлаштириш (осевая композиция) санъати мавжуд бўлган деган ғояни илгари сурган.

Меъморий ансамбллар шаҳар жамоа марказларида масштаби, безаги, рангли ечими билан тор кўчалар ва яssi томли, мумтоз деворли турар-жой бинолари орасида яққол ажралиб турган. Уларнинг маҳобатлари, минора ва гумбазлари шаҳар ва қишлоқлар шамонли (силует)нинг шаклланиши ва ифодаланишида асосий вазифани бажарган.

Ансамбл сирасига кирмайдиган бинолар уюшмасини комплекс деб номламоқ лозим. Бунга мисол тариқасида маҳаллаларнинг айрим-айрим қисмларини, қишлоқ даҳаларини ташкил этувчи турар-жойлар гуруҳларини ва дўкон, устахона, хўжалик иморатлари мажмуасини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Демак Ўрта Осиё шаҳарсозлигида меъморий ансамбл ва комплекслар яратиш санъати бош омил деб ҳисобланади. Ансамбллар тузиш усуллари мавжуд бўлган. Уларни турлари ва жойлашувишлар тузиш усуллари мавжуд бўлган. Уларни турлари ва жойлашувишлар қараб ўрганиш шаҳар ҳамда аҳоли пунктларининг композитсион шаклланишининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Тарихий шаҳарлар, уларнинг вужудга келиши ва тараккий қилиши шакллари
2. Қандай меъморий ансамбл ва меъморий комплексларни биласиз
3. Меъморийансамблва комплекс тузишсанъати

- 4.Шаҳарпанорамасивасилуэти деганда нимани тушунасиз
- 5.Шаҳар марказларида трансформация жараёни қандай жараён

#### **Адабиётлар рўйхати:**

- 1.Каримов И.А. Идея национальной Независимости. Ташкент: Узбекистан, 1998. –С. 78.
- 2.Амензаде Р.Б. Композиционные закономерности монументальных сооружений Азербайджана XI – XVII веков. Баку: Елм, 2007. –С. 224 с илл.
3. Архангельский В.Е. Вопросы архитектурного построения ансамблей центров городов Узбекистана дисс. На соискание ученой степени канд.арх.-М.,1952.
- 4.Архитектурные ансамбли Москвы / ХУ-начала XX веков // Принципы художественного единства. - М.: Стройиздат, 1997.-С.460 с илл.
- 5.Аскаров Ш. Дж. Регион – пространство – город. -М.: Стройиздат, 1988. - 200с., илл.

**4 - Мавзу:** Илмий техник тараққиётнинг шаҳарсозликка таъсири. шаҳарлар чегараларининг ва шакллари кўринишларининг нисбийлиги.

**Режа :**

1. Илмий техник тараққиётнинг шаҳарсозликка таъсири
2. Шаҳарсозликда ҳудудларга ажратиш масалалари
3. Мухитни ташкил этишда масштабнинг ўрни

**Калит сўзлар:** Техник тараққиёт, архитектура, транспорт, ҳудуд, мухит, Индустрiali шаҳар, аҳоли пунктлари

### **1.Илмий техник тараққиётнинг шаҳарсозликка таъсири**

Янги шаҳарларнинг режавий тизими ва уларнинг архитектура кўрилиши ишлаб чиқариш базасига катта аҳамият кўрсатади. Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги шаҳарларда аҳоли ҳудудлари ва ишлаб чиқариш ҳудудлари алоҳида жойлашган бўлиши керак. Бундай шаҳарларда санитар-химоялаш ташкилотлари ва ҳудудлари катта аҳамиятга эга ва шу билан бирга транспорт инфратизими ривожланганлиги, ҳамда яшаш жойи ва муҳнат қилиш ҳудудлари ўзаро боғлиқлиги қулай бўлиши керак. Машина ишлаб чиқарувчи янги шаҳарларда аҳоли ва ишлаб чиқарувчи ҳудудлари аксинча ёнма-ён ҳолда бўлиши мумкин. Илмий шаҳарлар тизимида тартиб бўйича, тўрттадан кам бўлмаган функционал бўлим фаолият кўрсатади: институт ҳудуди, аҳоли ҳудудлари, жамоат маркази ва хордиқ чиқариш ҳудуди. Янги шаҳарнинг катталиги унинг мураккаб дарасига, фазовий жойларга ва функционал элементларига эга.

Шаҳар архитектура қиёфасини маънолиги унинг мухим сифатидир кўпгна омиллар энг аввало режалаштириш туркумини қулайлиги келишилганлиги унинг қисмлари билан хамоханлигидир.

Қаерда фаоллий муаммолар бартарафэтилган бўлса жамоат марказларин тизими мавжуд бўлса ва аниқ ажратилган саноат ҳудудлари ўзаро боғлиқ йўл коммуникациялари бўлса, одатда шаҳар қиёфаси таъсирли. У аниқ ва инсон тамонидан тушуниб олинади. Шаҳар қиёфаси равшанлигини унча кам бўлмаган

омиллардан – бу ўз ўзига хос қайтарилимаслигидадир. Айнан шаҳарларни ўзига хослиги орқали уларнинг кўп қирралиги намоён бўлади. Шаҳар қиёфаси ўзига хослиги ўзаро доимий харакатдаги омилларни, табиий мухит, тархий мерос шаҳарсозлик саноатини даражаси, техникавий имкониятлари ва бошқалар натижасидаэришилди. Жойларни табиий шароитларда, шаҳар ривожланадиган жойда юзага чиқиш имконияти бўлган холларда ёрқин архитектуравий композициясини барпо этиш ва шаҳар қиёфасини ўзига хослигига эришиш кўп холларда яширилган.

Сўнгги йилларда молия, кредит, божхона хизматларининг янги турлари юзага келди. Шунинг учун ҳам шаҳарлаштириш ва умуман урбанизацион жараёнлар ривожлана борган сари индивидуумнинг, интеллектуал муносабатларнинг ривожланишига, уларга ишлаб чиқариш лакомотивлари сифатида қарашга олиб келади.

Илмий-техник таракқиёт логистикага бевосита таъсир кўрсатди ва кўрсатади. Турли алоқа воситалари юзага келди. Транспорт тезлиги бениҳоя ўсиб бормоқда. 20-30 йиллар илгариги самолёт, поезд, автомобиль тезликлари билан ҳозирги транспорт тезлигини солишириб бўлмайди. Темир йўлдаҳам автомобиль йўлларида ҳам хоҳ шаҳар ичидаги бўлсин, хоҳ шаҳар ташқарисида бўлсин бекатлар, тўхташ жойлари ораликлари ва уларнинг сони камайиб бормоқда.

Бинобарин илгари саноат ишлаб чиқариши шовқин, чанг, тутун ва бошка экологик ноқулайликлар, катта юк тушириш ва юклаш майдончалари ҳамда шу туфайли темир йўл билан бевосита боғлиқ эди. Энди эса бу жараёнларнинг интенсивлашуви уларнинг эгалайдиган худуди ва жойлашадиган жойининг ўзгаришига олиб келмоқда.

Бугунги қунда аҳоли пунктларининг аҳолиси сонини хисоблашда мавжуд бўлган факатгина шаҳар ташкил қилувчи, хизмат кўрсатувчи ва ўз фаолиятига эга бўлмаган аҳоли гурухларигагина тақсимлаб хисоблашнинг ўзигина етарли эмас.

Масалан, АҚШда анчадан бери аҳоли бандлигини қуидаги гурӯхларга бўлиб ҳисоблашади:

- 1) Мутахассислар – бу олий маълумотли (малакали) мутахассислар (муҳандислар, ўқитувчилар, врачлар), эркин мутахассис соҳиблари ва алоҳида ёки ноёб истеъдод вакиллари (мусиқачилар, композиторлар, олимлар, артистлар, спортчилар ва б.);
- 2) Бошқарувчилар – юқори табақали мансабдорлар, тадбиркорлар, хўжалик ва маъмурий аппаратда ҳал қилувчи вазифаларда банд одамлар;
- 3) Муассаса ҳизматчилари – оддий ҳизматчилар, банк, муассасалар, транспорт ҳизматчилари;
- 4) Савдо ишчилари – бевосита савдо, банк ходимлари, акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, реклама ва шу кабилар билан боғлиқ аҳоли;
- 5) Ўрта техник пресонал-усталар, маълум ҳунар соҳиблари, тор иҳтисослик техниклари;

Операторлар – шофёрлар, дастгоҳда ишловчилар, бирор бир касб соҳиблари;

- 6) Турли соҳа ишчилари – оғир иш бажара оладиган ишчилар;
- 7) Турли хизмат ва бошқарув соҳасида банд шахслар – қўшимча хизмат ходимлари, майший хизмат соҳасидаги оддий ишчилар, овқатланиш муассасалари ишчи-ходимлари, қўриқлаш, навбатчилик, осойишталик посbonлари, меҳмонхона, турли маҳкама ва муассаса хизматчиси ва оддий ишчилар.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики юқоридаги маълумотда шаҳарлашув учун зарур бўлган турли соҳа ва босқич ходимлари ҳисобга олинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ва яқин келажакда Ўзбекистонда янги шаҳарлар қурилишига эҳтиёж ва ҳожат йўқ. Айни пайтда бажарилаётган лойихалар мавжуд шаҳарлар ва шаҳар поселкаларининг ривожланиши билан

---

<sup>1</sup>Commercial Atlas and Marketing Guide. Cicago, 1990, P.46

боғлиқ. Шу туфайли бош планларни ишлаб чиқиш чоғида янги шаҳарни лойиҳалаётгандек эмас, эски шаҳарни қайта қуриш усулини қўллаш керак.



*Янги аҳоли яшиаш пунктларининг вужудга келиши.*

## **2. Шаҳарсозликда худудларга ажратиш масалалари.**

Қишлоқ хўжалигига эса қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштириш (ложиҳалаш –АПОТ) ва қишлоқ посёлкалари (қўрғонлари)нинг лойиҳаларини тузиш билан боғлиқ. Улардаги шаҳарлашув омиллари – аҳолининг шаҳарни ташкил қилувчи ва хизмат кўрсатувчи гурухларининг кескин ўзгарганлиги, туризм, молия-кредит, бошқа турли янги сервиснинг юзага келганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам энди лойиҳаолди ҳисобларида юқоридагиларни назарда тутмоқ лозим. У билан бўлган турар жой фондини қўпайтириш энди шаҳарга қўшиладиган янги худудлар эмас, шаҳар ичида самарали фойдаланилмаётган ерлар ва кўп қаватли (турар жой, жамоа ва бошқа турдаги бинолар) иморатлар қуриб зичликни ошириш ҳисобидан ҳал қилиниши лозим.

Шаҳарсозликда шундоққина кўриниб турган бир муаммо мавжудки, у бевосита жамоа марказлари билан боғлиқ. Бу айниқса XIX асрдан бошлиб саноат ишлаб чиқариши кескин ўсиши юзага келганлиги туфайли шу давргача, тахминан 2,5 минг йил шаҳарсозликнинг асосини ташкил қилиб келган омил – уларни муҳофазасини таъминлаб, бетартиб ўсишини чегаралаб келган мудофаа деворларининг йўқ бўлиб кетишидир. Ўша давргача бутун дунёда шаҳарлар қаъла тарзида мудофаа деворлари ичида маълум қонуниятлар асосида чегараланиб келинар эди. Шаҳарларнинг аҳоли яшайдиган худудлари, ишлаб

чиқариш иншоотлари, жамоа бинолари, кўча ва дам олиш жойлари маълум мутаносибликда шаклланарди. Индустрисал шаҳарлар эса бундай чегараларсиз эркин ўсабошлади. Натижада шаҳарларнинг турли худудлари номутаносиб равишда ривожлана бошлади. Буни тартибга солиш учун функцисонал зоналарга бўлиш сингари бесамара усул танлаб олинди. Саноат зоналарини соғломлаштириш чораларини ишлаб чиқиш ўрнига у ерда ва унинг яқинида тураржой, жамоа бинолари ҳамда дам олиш зоналарини қуриш таъкиқлаб қўйилди. Бунинг натижасида бир томондан ўз чанги, мойи, тутуни, шовқинига ўралиб қолган кўримсиз саноат раёнлари юзага келган бўлса, иккинчи томондан одатда шаҳар марказини эгаллаган жамоа марказлари ўртада қисилиб қолди. Саноат марказлари тобора ривожланаборган сайин шаҳар марказидан узоклашган янги ва янги тураржой туманлари юзага келабошлади. Бу тураржой туманлари катта ва йирик шаҳарларда шаҳар жамоа марказларидан бир неча километр, баъзида ўнлаб километр масофага узоклашиб кетди. Шаҳарнинг асосий функцисияси – жамоа муносабатларини шакллантириш аҳамияти пасайиб кетди. Қишлоқ аҳолисининг оммавий мигратсияси шаҳарларда шунчаки ётоқ туманларини келтириб чиқарди. Бундай жойларда истиқомат қиласиган аҳоли бир неча кунлаб шаҳар жамоа марказларига боришга имкон тополмайди. Унинг вақтининг катта қисми йўл қатновига сарф бўлади. Бу эса шаҳар марказидан узоклашган аҳоли учун янги алтернатив жамоа марказларини яратиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Монотцентрик шаҳарлар ўрнига политцентрик шаҳарларни лойиҳалаш, вақтни тежаш мақсадида дистантсион алоқа боғлаш имконини берадиган технологияларни жорий қилиниши зарурати юзага келди.

Бу масала ҳал қилиниши зарур аммо барча шаҳарлар ўзининг бош жамоа марказларига эга. Масалан мегаполис Ню Ёркда аҳоли унинг марказий қисми бўлган Манхеттен ва ундаги Бродвейга чиқади. Парижда Елесей майдонига, Москвада Қизил майдон, Киевда Хрешчатикка, Тошкентда Мустақиллик майдонига саир қилгани чиқишиди. Бунинг учун шаҳар марказларида пиёда юрадиган кўча ва майдонлар, сайлгоҳлар ташкил қилиниши керак.

Мавжуд шаҳар жамоа марказлари ўртада қисиilib қолганлиги учун уларни ривожлантиришнинг уч йўли бор. Биринчиси иморат зичлиги ва баландлигини ошириш; иккинчиси – ер остидан унумли фойдаланиш; учунчиси шаҳар марказидаги иморат ва хизмат кўрсатиш турларини туташ кўчалар бўйлаб давом эттириш. Бунда ҳар уччала ҳолатда ҳам ер остидан унумли фойдаланиш зарур. У ерда омборхоналар, автомобил тўхташ жойлари ва жойига қараб бошқа иншоотларни жойлаштириш мумкин. Жамоа марказларини шакллантиришда мобил иншоотлар, кичик архитектура шакллари ва ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш лозим.

### **3. Мухитни ташкил этишда масштабнинг ўрни.**

Мухитни ташкил этишда масштаб, яъни миқёс мухим ўрин тутади. Одам борлиқни мухитдаги мавжуд элементларнинг ўзаро бир-бирига ўлчамлари, шакли, ранги билан бўлган нисбати туфайли қамраб олади. Уларнинг жойлашуви эса табиат томонларига нисбатан амалга оширилади. Одамлар жуда қадим замонлардан бошлаб қуёшнинг чиқиши (ва ботиши), юлдузларнинг ҳаракатланишидан фойдаланишган. Буни шаҳарсозлик ва географияда ориентатсия дейишади. Ориентатсия сўзи лотинча “ориенс (ориентс)”, яъни кун чиқиш томони маъносини англатади. Дарҳақиқат ўзбек тилида ҳам шарқ томон “кун чиқиши” ёки “кун” (яъни “қуёш”) деб юритилади. Кунга қараб вақтни ҳам ўлчашган, ўзига хос турлича календарлар тузишган, ҳатто узунлик ўлчовларини ҳам тузишган. Масалан, стадион сўзининг ўзагини ташкил этувчи “стадий” сўзи узунлик ўлчовини билдиради. Қадимий Юнонистонда қуёшнинг нурлари кўрина бошлаган даврдан бошлаб, қуёш тўла чиққанигача босиб ўтилган масофа бир стадий деб қабул қилинган ва у 165 – 185 қадимга teng бўлган. Шу масофада югуриш йўлакчалари бунёд этишган. Уларнинг кейинги тараққиёти стадионларнинг яратилишига олиб келган.

Дастлаб инсоннинг табиат қўйнида ўзининг жойлашган жойини ва ҳаракат йўналишини аниқлаш учун зарур бўлган ориентатсия кейинчалик ҳар бир бино ва иншоотларни, уларнинг мажмуаларини ўзаро жойлаштириш учун зарур омилга айланди. Зеро бугунги кунда ҳар бир тураржой, жамоат бинолари ва

айрим иншоотларни табиат томонлариға нисбатан жойлаштиришга махсус талаблар қўйилади. Уни келтириб чиқарган бир неча омиллар мавжуд. Буларнинг ичидаги асосийси санитар-гигиеник талаблар ҳисобланади. Чунки ҳар бир хона саҳнига маълум даражада қуёш нури тушмаса у захланиб қолади, у ерда турли заарли микроорганизмлар вужудга келади. Бизнинг сер қуёш, иссиқ табиий шароитимиизда ёзда хона ва биноларнинг ҳаддан зиёд қизиб кетиши тузатилади. Бинобарин ундан муҳофазаланиш талаб қилинади. Бунинг биринчи шарти бинолар ориентатсиясига эътибор беришдан иборат. Экватордан шимолда жойлашган деярли барча мамлакатлар учун энг яхши ориентатсия биноларни жанубий шарққа қаратиб қуриш ҳисобланади. Бунга ўз вақтида машҳур олим Абу Али ибн Сино ҳам эътибор берган эди. “Агар уй қурмоқчи бўлсангиз, - деб ёзган эди бу буюк табиб: соғлом шамоллар эсадиган тепаликни танланг. Бино эшик ва деразаларини шарққа қаратиб қулинг, чунки шарқ қуёшининг нурларидек фойдали нарса йўқ.”

Ориентацияга бўлган бунчалик катта эътибор туаржой комплекслари ва ҳатто раёнларининг ҳажмий – режавий, композитцион шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ориентатсиянинг иқлим шароитида муҳим ўрин тутганлигини таъкидлаб, унинг келиб чиқиши кишининг фазода ҳаракат қилишидаги предметларни илғаб олиш жараёнига эътиборни қаратиш лозим. Бинобарин ориентатсия қуёш чиқиши ва ботиши билан боғлиқлиги шарқ-ғарб ориентатсия ўқини ташкил этади. Унга перпендикуляр тарзда шимол – жануб ўқи жойлашади. Булар табиатнинг тўрт томонини белгилаб беради. Ал Хоразимий, ал Форобий асарларидан дунёning яна икки томони – осмон ва ер қаъри борлиги англашилади. Демак дунёning олти томони ва шунга мувофиқ учта координат ўқи мавжуд. Мана шу уч ўқ биноларнинг уч ўлчами (баландлик, эни ва бўйини белгилаб беради). Шунинг учун дунё уч ўлчамли саналади. Бироқ архитектура иншоотлар, айниқса шаҳарсозлик элементлари қўпинча бир нуқтадан эмас, балки ҳаракат давомида илғор олинади. Шунинг учун ҳам кўпинча архитектурани геометрия ва стреометриядан фарқли ўлароқ тўрт ўлчамли деб ҳисоблашади. Бунда тўртинчи ўлчов мезони сифатида вақт

бирлиги қабул қилинади. Чунки улкан иншоотлар, бинолар мажмуалари, шаҳарсозлик элементлари вақт бирлигидага кузатилади ва шу тарзда киши онгига муҳрланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Илмий шаҳарлар тизими қандай тизим
2. Илмий техника тараққиётининг шаҳарсозликка таъсир қилувчи омиллари қандай
3. Шаҳарларни ташкил қилувчи омиллар
4. Қандай индустрисал шаҳарларни биласиз
5. Янги шаҳарларни лойихалашда саноат биноларининг аҳамияти

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси. (асосий тушунча ва тамойиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси // дарслер, 1 қисм. Тошкент: Чўлпон, 2009, 160 б.
3. Пўлатов Х. шаҳарсозлик тарихи. Тошкент: 2009
4. Исамухамедова Д.У. шаҳарсозлик асослари // Ўқув қўлланма. Тошкент: ТАҚИ, 2000, - 140 б.
5. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Тошкент: ўзбекистон, 1995. – 215 б.

**5-Мавзу:**Хозирги замон чет эл шаҳарсозлигига янги фикрлар. Барқарор шаҳарлар ва “Ақлли архитектура” тушунчалари.

**Режа:**

1. Шаҳар функционал қисмлари қиёфаларига таъсир этувчи омиллар
2. Саноат қисмларини қиёфаларини шакллантириш тамойиллари
3. Барқарор шаҳарлар ва “ ақлли архитектура” ҳақида

**Калит сўзлар:** Архитектура, инновация, образ, иншоот, шаҳарсозлик маданияти, урбанизация, парамодерн, биоархитектура, барқарор шаҳар, нанотехнология, зоналаштириш.

**1. Шаҳар функционал қисмлари қиёфаларига таъсир этувчи омиллар**

Шаҳар архитектура қиёфасини маънолиги унинг муҳим сифатидир кўпгина омиллар энг аввало режалаштириш туркумини қулайлиги келишилганлиги унинг қисмлари билан хамоханглигидир. Қаерда фаоллий муаммолар бартарафэтилган бўлса жамоат марказларин тизими мавжуд бўлса ва аниқ ажратилган саноат ҳудудлари ўзаро боғлиқ йўл коммуникациялари бўлса, одатда шаҳар қиёфаси таъсирли. У аниқ ва инсон тамонидан тушуниб олинади. Шаҳар қиёфаси равшанлигини унча кам бўлмаган омиллардан – бу ўз ўзига хос қайтарилмаслигидадир. Айнан шаҳарларни ўзига хослиги орқали уларнинг кўп қирралиги намоён бўлади. Шаҳар қиёфаси ўзига хослиги ўзаро доимий харакатдаги омилларни, табиий мухит, тархий мерос шаҳарсозлик саноатини даражаси, техникавий имкониятлари ва бошқалар натижасидаэришиллади. Жойларни табиий шароитларда, шаҳар ривожланадиган жойда юзага чиқиши имконияти бўлган холларда ёрқин архитектуравий композициясини барпо этиш ва шаҳар қиёфасини ўзига хослигига эришиш кўп холларда яширилган.

Урбанизацион жараёнлар ва унинг мутацияси бутун бир бошли жамият ривожланишига олиб келувчи омил ҳисобланади. Унинг маҳсули ҳисобланадиган шаҳарлашув жараёни ва шаҳарлар ривожи бевосита мана шу тараққиётнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласи. Шаҳарларнинг бу соҳадаги вазифаси янгича технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришнинг интенсив

соҳалари юзага келиб тараққий этиши, илм-фан, маданият, ахборотлашув сингари воситалар ривожлана боргани сайн янада муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Урбанизацион жараёнларнинг шаҳарларда ишлаб чиқариш омилларини яратиши, илмий-техник ахборот алмашинувини фаоллаштириш, маданий-ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга қулай шароит яратиши аҳоли яшаш жойларининг концентрациялашувига олиб келади. Бинобарин бу ҳолат социал ҳаётнинг майший томонига таъсир кўрсатувчи ҳолларни келтириб чиқаради. Масалан, аҳоли яшаш пунктларининг жуда ҳам кенгайиб бориши, аҳоли сонининг ошиб бориши, аҳоли яшаш ва ҳаракат қилиш жойлари зичлигини, автомобиллаштириш ва техникалаш жараёнларининг ҳаддан зиёд ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида экологик баланс бузилиши муаммолари юзага келади. Табиий муҳит (тупроқ, ўсимликлар олами, ер усти ва ости сув тизими, ҳайвонот дунёси ва б.) ўзгаруви вужудга келади.

Бундай урбанизацион жараёнларни белгилаб берувчи икки қўрсатгич мавжуд. Уларнинг биринчиси шаҳар аҳолиси сонининг умумий аҳолига нисбати кўпайиши бўлса, иккинчиси шаҳарлар сонининг ўсиб бориш қўрсатгичи ҳисобланади.

Шаҳарларнинг ўсиш жараёни шаҳарлар атрофида мавжуд аҳоли пунктлари ёки янгитдан шаклланган аҳоли яшаш жойларини ўзига бўйсиндириш ва қўшиб олиш ҳолатларига олиб келади. Бунда баъзи ҳолатларда шаҳар атрофидаги аҳоли пунктлари мустақил маъмурий чегараларга эга бўлсада, улардаги ҳаёт ёнидаги шаҳар фаолияти ва хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда бирон бир шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли пунктлари (баъзида кичик шаҳарлар)дан ташкил топган ягона агломерация юзага келади. Бундай ҳолатга “субурбанизация” дейилади. Унда шаҳар-агломерация маркази, атрофидаги аҳоли пунктлари субурбанизация обьектлари дейилади. Бу ибора инглиз тилидаги suburbia (сабербия) сўзидан олинган бўлиб, “шаҳар хорижи” деган маънени англашади. Бунинг натижасида шаҳарга боғлиқ бўлган, бироқ шаҳарни лойихалаш чоғида унинг ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатиши ресурслари сирасига кирмаган ўзаро боғланиб кетган туташ аҳоли пунктлари юзага келади. Бу эса ўз навбатида алоҳида аҳоли пунктигининг эмас, балки юзага келган ҳолатни ҳисобга оладиган бош план лойиҳасини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Шаҳар ва унинг туташ ҳудудларида ягона ижтимоий ва иқтисодий муносабатни шакллантириш мақсадида уларни ўзаро боғловчи қўшимча тадбирлар ва шаҳарсозлик чораларини амалга оширишга тўғри келади. Агломерация маркази – шаҳарлар барча қулайликларга эга бўлган ҳолатда, туташ зоналар кўпинча бундай чекка ноҳияларда зарурий социал, савдо, майший хизмат кўрсатиши объектларидан мосуво бўлиш муаммосини ҳал этиш учун унинг индикаторларини аниқлаб олиш талаб этилади.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам шаҳарларни лойиҳалаш асосини XVIII- XIX асрларда юзага келиб, XX асрда ривож топган индустрiali шаҳарларни лойиҳалаш ғояси ташкил қиласди.

Унинг моҳияти шундан иборатки, саноат ишлаб чиқариши юзага келганида ўзидан олдинги ҳунармандчилик маҳсули бўлмиш кичик устахона ва цехлар ўрнига бир неча юзлаб ва минглаб одам ишлайдиган улкан корхоналарни юзага келтирди. Улар девор билан ўраб олинган феодал шаҳарларнинг структурасига сифмай қолди. Янги ишлаб чиқариш ва логистика воситалари пайдо бўлди. Уларнинг барчasi бўш ҳудудларда транспорт воситалари ( темир йўл ва автомобиль) билан боғланган аҳоли пунктларини лойиҳалашни тақозо қиласди. Шундай қилиб саноат ишлаб чиқиши ва темир йўл ҳамда автомобиль транспортига боғлиқ бўлган саноат ёки индустрiali шаҳарлар вужудга келди. Унинг биринчи мукаммал намунаси сифатида инженер Тони Гарнье томонидан 1902 йилда Франциядаги Сант Этьен индустрiali шаҳрини мисол қилиб кўрсатишиади.

## **2. Саноат қисмларини қиёфаларини шакллантириш тамоиллари.**

Замонавий меъморчилик асослари дастлаб саноат ишлаб чиқаришининг юксак одимлар билан ривожланиши билан боғлиқ бўлди. XIX аср охирида қазилма бойликлардан кенг фойдаланиш, кўмир қазиб чиқариш ва металл

эритишининг кенгайиши, у билан бирга инженерлик илмининг тарақкий топиши архитектурага металл конструкцияларнинг кенг кириб келишини таъминлади. Ёғоч устун ва тўсинлар ўрнига баъзи ҳолатларда металл устун, тўсин ва соябон конструкциялар қўлланила бошланди.

Биринчи бўлиб 1779 йилда Англияда Северн канали устига чўяндан эни 31 м.ли арка шаклида қилинган кўприк қурилди. Шундан сўнг, 1793-96 йилларда Сандерленд (шимолий-шарқий Англия)да узунлиги 72 м бўлган темир ва чўяндан ишланган яssi аркали кўприк қурилди. Кейинчалик металл конструкциялар тараққиёти 100 м дан анча узун бўлган металл тўсинли ва вантга осилган кўприклар қуриш имкониятини берди.

Саноатда янгича материаллар, чунончи металл прокат ва ойнанинг турли ўлчамларда кенг ишлаб чиқарилиши инженер Джозеф Пакстонга 1851 йилда Лондонда “Кристалл-палас”, яъни “Билтур қаср” номи билан машҳур бўлган оренжереяни қуриш имконини берди. Бу иншоат конструкциялари Анри Лабруст томонидан Париждаги авлиё Женеева ва Миллий кутубхона ўқув залларида металл устун, тоқ ва кенг ойнаванд сатҳларни қўллаш имкониятини берди. Бу эса ўз навбатида Г.Ейфел ва Л.А. Буффалога Париждаги Бон Мария магазинида усти ойнаванд савдо расталарини яратишга туртки бўлди. Кейинчалик бу турдаги магазинлар бутун Европа ва АҚШ бўйлаб кенг тарқалиб кетди. Шундай қилиб металл конструкциялар архитектурага кенг кириб кела бошлади. Саноат биноларининг устун ва тўсинлари чўян ва пўлатдан қилина бошланди. Кўп қаватли бинолар каркасини металлдан қилиш ғояси дастлаб Чикаго (АҚШ)да юзага келди. Маълумки Чикаго АҚШ нинг шимолини жануб билан ва шарқини фарб билан боғлаб турувчи муҳим чорраҳа ва почта шахри эди. У бошқа шаҳарлардек дастлаб асосан ёғочдан қурилган эди. Ёғочдан тикланган Чикагода 1871 йилда содир бўлган ёнғин шаҳарни қисқа муддатда тиклаш заруратини келтириб чиқарди. Бу зарурат баланд қаватли-осмонўпар иморатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Дастрлаб Чикагонинг қайта тикланишида муҳим ўрин тутган, кейинчалик бутун дунёда “замонавий архитектура” деб ном олган усульнинг ёйилишига катта хисса

күшган Чикаго архитектура мактаби осмонўпар иморатларнинг келиб чиқиши учун катта хизмат қилди. Мана шу мактаб асосчиси деб саналадиган Уилям ле Барон Дженини 1883-86 йилларда Чикагода пўлат каркасли Ҳоум Иншюренс Билдинг номли кўп қаватли иморатни қурди. Мана шу вақтларда асли ўзи Бостон (АҚШ)ли бўлган Салливен 1874 йилда Парижга бориб бир неча ой давомида Нафис санъатлар мактаби ишлари билан танишди. 1875 йилда Салливен Чикагога келиб Барон Дженини ва Чикаго архитектура мактаби фаолияти билан танишади. Бу ердаги ишлар, айниқса осмонўпар иморатлар ғояси унинг диққатини ўзига тортади. Европадан функционализм ғояларига тўлиб келган Салливен баланд биноларнинг функционал асослари назарияси билан шуғулдана бошлади. У 1884-85 йилларда Буффалода Гаранти Траст Билдинг осмонўпар биносини қурди. Мана шу бино қурилиши битгач у “Бадиий нуқтаи назардан қараладиган маъмурий баланд бинолар” мақоласини эълон қилди. Бундай чиқишиларида Салливен илк бор осмонўпар иморат концепциясини яратиб берди: “Биринчидан, - деб ёзган эди у, - қозонхона ва машиналар учун ертўла керак, иккинчидан магазин, банк ва бошқа тадбиркорлик муассасалари учун биринчи қаватда хоналар керак – улар учун қулай, кенг, ёруғ, шинам кириб-чиқиш йўллари ва йўлаклари бўлиши зарур ... учинчидан иккинчи қават керак. Бу ерда одатда катта ойнаванд кенг хоналар жойлашади. Тўртинчидан идоралар учун бир неча қават керак. Бу қаватлар бир-бирига ўхшаш ва ҳар бири асалари инини эслатадиган хизмат хоналари жойлашади. Ва ниҳоят бешинчиси юқоридаги техник қаватларда ертўладаги қозонхоналар учун сув резервуарлари, инженерлик тармоқлари, қувват ускуналари ва бошқалар. Салливеннинг бу ғояси горизонтал лойиҳаланадиган иморатларни вертикал жойлаштириш мумкин бўлган тўрт ярусини кўрсатиб берди: 1) ер ости қаватлари; 2) йўл сатхидаги хоналар; 3) ер усти, йўл сатхидан юқорида бўлган қаватлар; 4) ер ости ва ер усти қаватлари учун хизмат қиладиган энг юқоридаги техник қаватлар. Шундан сўнг пастга бир неча қават, тепага бир неча ўн қават кетадиган осмонўпар иморатлар юзага келди. Умуман олганда Салливен ашаддий функциячи эди. У Францияда бўлганида

табиатшунос Ла Марк тадқиқотларидан илҳомланиб функционализм назариясини ишлаб чиқкан эди. Чунончи Салливен бундоқ деган эди: “Табиатда барча нарса ўз кўринишига эга, бошқа сўз билан айтганда, ўз шаклига, ташқи ифодасига эга, мана шу туфайли уларнинг моҳияти очилади ва бир-биридан шу жумладан бизлардан ҳам ажралиб туради...”. Ҳар бир шакл ўзининг функциясидан келиб чиқади. Функция ўзгармаса, шакл ўзгармайди”. Бу албатта йирик функционалистик фикр ҳисобланади.

Чикаго архитектура мактаби келтириб чиқарган баланд иморатлар туркуми Нью Йоркнинг Манхеттен номли марказий райони, АҚШ нинг бошқа шаҳарлари Даун таунлари, Европа ва Япония шаҳарлари марказларининг шаклланишига асос бўлди ҳамда иморатсозликда янги эстетик йўналишни келтириб чиқарди. Бу эстетик йўналишнинг бадиийлиги металл ва ойна (шиша)нинг қўлланилиши, баландликка интилиш билан ажралиб турар эди.

Темирбетоннинг қурилиш материяли сифатида кашф этилиши ҳам шаҳарлар эстетикасида улкан бурилиш ясади. Бетоннинг турли қўринишлари жуда қадим замонлардан маълум бўлган. Масалан Римдаги Пантеоннинг қурилишида, гумбазини ёпмасидан бундан икки минг йил илгари бетон ишлатилган эди. Бироқ 1867 йилда Франциялик Жозеф Моненинг темирбетон материалига патент олиши бу материалнинг келгусида асосий қурилиш материалига айланиб кетишига сабаб бўлди. У дастлаб гултувак ясаётганида ишлатаётган бетони яхши қотмаётганлиги туфайли уни сим билан ўраб чиқди. Эртаси куни қотиб қолган композицион материални кўриб ўзи ҳам қотиб қолди ва унга патент расмийлаштириди. Кейинчалик у темирбетон қувурлар, темир йўл шаллари ва бошқа нарсалар ясади.

Биринчи бўлиб 1892 йилда Франсуа Эннебику пойдевордан бошлаб томигача темирбетон конструкциядан ташкил топган каркасли иморатни ишлаб чиқди.

Темирбетон конструкцияли иморатларнинг кенг қўлланилишида Огюст Перре, Петер Беренс, Эрик Менделсон, Ле Корбюзье ва бошқалар катта ҳисса қўшишди. Бутунлай темирбетондан ташкил топган шаҳар марказлари, саноат

комплекслари, туаржой туманлари вужудга келди. Собиқ шүролар хукуматида эса қатор-қатор уйсозлик комбинатлари, темирбетон ишлаб чиқарыши заводлари қурилди. Бутун мамлакат бўйлаб бир-бирига ўхшаш, зерикарли, кўпинча йирик панелли уйлар юзага келди. Шаҳарлар эстетикасига путур етди. Бироқ бошқа мамлакатларда монолит уйсозликнинг илғор кўринишлари ишлаб чиқилди. Италияда инженер Пер Луиджи Нерви, Германияда Отто Фрай, Японияда Кензо Танге ва бошқа мамлакатларда темирбетон пластикаси, тектоник имкониятларидан фойдаланиб кенг пролётли, органик архитектура, структурали бионик архитектура йўналишларини юзага келиши устида катта ишлар олиб борилди.

Бу ишни Эрик Менделсон ўзининг “Эйнштейн минораси” 1920-21 ишида бошлаб берган эди. Бу иморатда меъмор темир бетон пластикасидан усталик билан фойдаланиб, гўёки бошқа планеталар архитектурасига ўхшаб кетадиган экспрессив шаклни яратган эди. Бундай футуристик ёндашув Ле Корбюзенинг Роншан (Франция) яқинидаги Нотрдам ибодатхонасининг капелласида ҳам мужассамлашган эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу иморат ташки кўринишидан католиклар магистрларининг бош кийимини маълум даражада эслатади. Буюк меъмор мана шу иншоотни лойиҳалагандага магистрлар қалпоғини моделлаштирган, яъни асос қилиб олган ёки ўшандан асотсиатив образ яратолган бўлиши мумкин. Шунга ўхшаган фикр Валтер Гропиуснинг Александрия университетидаги қурган масжиди архитектураси борасида ҳам пайдо бўлади. Бу иншоот ерда турган улкан гумбоз шаклида бўлиб, унинг шакли, ранги Бағдод ва Стамбулдаги руҳонийлар салласини эслатади.



## *Мумбайдаги Кибертектуравий тухум.*

Бетоннинг пластика яратувчи ва экспрессив шакллар чиқара олиш хусусиятларидан Франк Ллойд Райт ҳам ўзининг Нью Йоркдаги Гутгенхайм (Абстракт санъатлар) музейида, Эро Сааринен Нью Йоркдаги Кеннеди номли ҳалқаро аэропорти ва Женерал моторс компанияси учун курган Сув минорасида, Оскар Нимейернинг Каракасдаги музейи, ҳамда Кензо Тангенинг Токиода курган Катта ва Кичик спорт ареналарида усталик билан фойдалана олишган.

Юқорида келтирилган мисолларни функционализм, конструктивизм, рационализмнинг баъзида гўзалликни қурбон қилиб функция, конструкция ёки рационаллик ғояси туфайли ялангоч архитектурага олиб келган интилишларга қаратилган мурожаат деб ҳисоблаш мумкин. Чунки замонавий архитектура кўп ҳолатда соф ғоя ва қурилиш индустрисининг қулига айланиб қолган эди. Бу соҳада буюк меъморларга эргашиб анчагина гўр ишлар қилиб қўйилди. Юқоридаги архитектура усталари эса янги қайқириқ билан чиқиб архитектуранинг замонавий эстетик имкониятларини кўрсатиб беришди.

Темирбетоннинг яна бир ажойиб имкониятларидан бири бу турли катаксимон ва тўрсимон структураларни яратишга қодирлигидир. Ле Корбюзье Марселдаги “Қуёш таратувчи уй”ида, Чандигархдаги Олий суд биноси, Аҳмадободдаги тураржой биносида, Оскар Нимейер Бразилиадаги Кафедрал ибодатхона иншоотида мўъжизакор структуралар яратишиди. Темирбетондан ажойиб структурали иншоотлар қуриш айниқса Пер Луиджи Нерви ижодида яққол кўринади. Унинг Туримдаги Кўргазмалар зали (1948) ва Римдаги Спорт саройи (1957). Туриндаги Мехнат саройи (1960) бунга мисол бўлади.

Мана шу мисолларда металл, ойна (шиша), бетон, темирбетон сингари материялларнинг пластика бериш, шакл чиқариш, конструктив имконияти ва бошқа томонларидан архитектуранинг моҳиятини кўрсатиб беришда усталик билан фойданилган. Бунинг натижасида архитектура ва шаҳар эстетикасида бадиий жиҳатдан тамоман янги қиёфа юзага келди. Бироқ буларнинг барчаси XIX аср охири – XX асрда жаҳонда кенг тарқалган “Замонавий архитектура”

деб ном олган, баъзида индустрисал архитектура деб номланадиган бадий услугга тегишли эди.

Бугунги кунга келиб ИТ ва ГИС технологиялар ривожини, нанотехнологияларнинг архитектурага таъсирини кузатиш мумкин. Бир тарафдан ёш архитекторларни эркин ижод қилишига имконият бермаган замонавий архитектура даҳоларининг ижодиётдан (ва ҳаётдан) кетиши иккинчи жиҳатдан илмий – техник тараққиёт XX асрнинг охирги чорагидан олдинроқ ёш архитекторларга эркин ижод қилиш имкониятини берди. Архитектурада бошқа санъат соҳаларидағи каби постмодерн, яъни “янгидан сўнг,” хат тейх-техниковий тараққиёт, парамодерн сингари бир неча тамоман янгича йўналишларни юзага келтирди. Компьютерда лойиҳалаш тамоман янги имкониятларни берди. Ўтган асрлардаги саноат тараққиёти кўп холатларда экологиянинг бузилишига олиб келди. Мана шуларнинг барчаси санъат ва архитектура соҳасида янги йўналишнинг юзага келишини тақазо қилди. Бугунги кунга келиб архитектурада қадимдан маълум бўлган мустаҳкам, қулай ва чиройли девизларига барқарор экологик соғлом, ақлли муҳит ва архитектура сингари янгича талаблар юзага келди. Компьютер графикаси тамоман янгича шакл тузиш имкониятларини яратган бўлса, нанотехнология, генлар муҳандислиги кўз илғай олмайдиган муҳитга кириб бориш ҳамда ундан меъморчиликда фойдаланиш имкониятларини яратди.

Анъанавий чизма геометрия усуллари бугунги кунда эскириб қолди. Учта координат ўқларига асосланган Декарт координаталар тизимининг ўзигина лойиҳалаш учун етарли эмас. Замонавий киноматография илғор анниматсион ва 3Д ҳажмли лойиҳалаш усулларидан фойдаланиб бошқа санъатлардан анча илгарилаб кетди. Автомобил заводлари, мебел фабрикаларидаги илгари мавжуд бўлган фрезерлик ускуналари ўрнини бугунги кунда 3Д ИТ компьютерлар билан жиҳозланган станокларнинг янгича, автомат усуллари эгалади. Уларнинг ичидаги дастурлар 3Д принтер имкониятини беради ва хоҳлаган шаклдаги қўйиб ёки пресслаб тайёрлаб чиқариб беради. АҚШ ва Европанинг баъзи ерларида 3Д принтерларда хоҳлаган одам ўзига идиш ёки жиҳон чиқариб

олиши мумкин. Медицинада 3Д принтерлар орқали устувор клеткалардан инсон организимини етиштиришаяпти. Мана шу технологиялар архитектура, жумладан шаҳарлар эстетикасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра углеродли нанотрубканинг кашф этилиши кишилик фаолиятини тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Унинг асосида ўта мустаҳкам ва айни пайтда енгил бўлган композит материаллар ишлаб чиқилмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки ИТ технологиялар, айниқса 3Д принтерлар ва аннимацион технологиялар кашф этилиши ҳамда умум технологик тараққиёт санъатнинг барча турларига таъсир кўрсатди. Буни музика ва қўшиқчилик, театр санъати, тасвирий санъат ва бошқа санъат турларида компьютер воситасида ақл бовар қилмайдиган шакллар, кўринишлар, ҳолатлар ва эффектлар пайдо қилиш воситаларида кўриш мумкин. Бир неча ўн минг ва ҳатто бир неча юз минглаб одам сифадиган стадион ва маҳсус майдонларда голограмма, лазер нурларидан, турли янгича ёритгичлардан фойдаланиб мисли қўрилмаган шоулар ташкил қилинмоқда. 3Д, 5Д, 7Д кинотеатрларда томоша қилинаётган ситуациянинг ҳарорати, ҳиди, ёмғир ёғиши сингари эффектлари ташкил қилинмоқда. Мана шуларнинг барчаси замонавий одамларда янгича сезги ва туйғу, янгича эстетика дид ва маҳоратни тарбияламоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда индустрнал архитектурадан мерос қолган оддий қуттига ўхшаган иморатлар ҳеч қандай бадиий қизиқиш уйғотмаяпти. Эски давр архитектураси ҳар томонлама замондан орқада қолиб кетмоқда.

Ҳозиргача қўлланилиб келинаётган техник ва технологик тараққиёт сўзлари ўрнига электроника ва электротехника тараққиёти сўзларини қўллаш тўғрироқ бўлади. Чунки электроника ривожи компьютер технологиялар тараққиёти ва умумжаҳон ягона алоқа воситаси ИНТЕРНЕТ тармоғини келтириб чиқарди. Электроника ривожсиз электрон микроскоплар ва улар келтириб чиқарган технологик тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Электрон микроскоплар нафақат генлар инженериясини, балки умуман

инженерлик соҳасининг, шу жумладан қурилиш соҳасининг ривожига олиб келди. Унинг ёрдамида қурилиш материалларининг спектрал анализини ўтказиб, турлича структурали композицион материаллар яратиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрига кўра углеродли нанонайчалар металл, бетон, керамика, ойна (шиша) ва бошқа қурилиш ашёлари билан жуда ҳам яхши бирикади ва турлича енгил, ўтамустаҳкам, шаффоф, ўзини-ўзи тозалай оладиган материаллар ҳосил қиласди. Сегментни нанозаррачалар даражасида фракциялаб ва унга бошқа нанозаррали материаллар қўшиб нанобетон ҳосил қилиш мумкин. Нанобетонлар ўта мустаҳкам, сув ўтказмаслик ва бошқа ноёб ҳусусиятга эга. Бунинг натижасида илгари темирбетон, вант (пўлат арқонлар) армотцментдан бажарилган қобиқ (обложка) ҳамда тўқимасимон структурали шаклларнинг янгича авлодини яратиш имконияти юзага келди. Бунинг учун баъзида молекулалар дарачасидаги турлича тирик тўқималар, бошқа органик ва анерганик молекулаларнинг тузилиши ўрганилиб, унга ўхшаган структуралар моделлаштирилмоқда. Замонавий архитектурада ривожланиб бораётган бу йўналиш архитектурада “бионика” деб ном олган. Хорижий мамлакатларда у “парамодерн” услубининг бир йўналиши сифатида ҳам қарашади. Аслида уни молекуляр ёки атомар архитектура деб номласа тўғри бўлади. Чунки “био” сўз ўзаги тирик, биологик модда жисмларни билдиради. Биз кўриб чиқаётган шакллар эса анерганик моддаларнинг структуравий тузилишига ҳам дахлдордир. Масалан, мутахассислар орасида “фуллерин” деб ном олган “тотал дизайн” ғоясининг муаллифи америкалик инженер – архитектор Ричард Бакминстер Фуллернинг “геодезик гумбазлари” углерод атомларининг ўзаро бирикиш структураси тарзида тайёрланган элементлардан шаклланган. У 1947 йилдан бошлаб шарнинг ярми ва тўртдан уч қисмини ташкил қиласиган йиғма элементлардан ташкил топган “геодезик гумбазлар” турлари устида изланишлар олиб борди ва 1967 йилда Монреалдаги Бутунжаҳон кўргазмасида диаметри 80 м ни ташкил қиласиган АҚШ павилонини лойиҳалади. “Фуллерин” – бу кўп элементли футбол коптогига ўхшаган 20 та олти бурчакли

углерод даври ва 12 та беш бурчакли углерод атомларининг 60 тасини ўзида мужассамлаштирган ичи бўш шарсимон иншоотдир.

Парамодерн деб ном олган замонавий архитектуранинг бу кўриниши, тобора ўзига хос мустақил услугга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам уни мустақил услугуб деб аташ мумкинки, унда тамоман янгича қурилиш материаллари, лойиҳалаш усуллари, янгича шакллар қўлланилмоқда. Парамодерн объектларининг асосий қисмини анъанавий усул ҳозиргача мавжуд бўлган қурилиш ашёларидан тиклаб бўлмайди. У нанотехнологияларга мўлжалланган ва бу объектларниң кўпчилигини фақатгина компьютерда лойиҳалаш мумкин.

Уни чизиқли Декарт координатлар геометрияси ва анъанавий чизма геометрия воситаларида қуриб бўлмайди. Бу архитектура тўрли тўқималар тарзида шакланади ва шунинг учун ҳам зилзилабардош ва мустаҳкам ҳисобланади.

Шу давргача мавжуд бўлган Декарт координатлар чизиғига асосланган геометрик усулда лойиҳалangan биноларниң бузилишининг асосий сабаби шундаки, уларниң асослари кўпинча тўғри чизиқ ва тўғри бурчаклардан ташкил топган. Зилзила кучи эса тўлқинсимон таъсирга эга. Бинобарин тўлқинли таъсир кучига тўғри чизиқ ва тўғри бурчаклар тўғаноқ келиб, сейсмик таъсирни сўндириш имкониятига эга эмас. Қурилиш ва меъморчиликда XX аср охирида вужудга келган Парамодерн услуги ХХ аср бошларида юзага келган тасвирий санъатдаги супрематизм (лотинча супремус –яъни, олий деганидан) йўналиши ғояларига қарама-қарши тарзда юзага келган десак тўғри бўлади.

Европада ХХ аср бошларида Огюст Перре ва Петер Беренс бошлаб берган соддалаштирилган геометрик жисмлар шаклидаги архитектура саноат ишлаб чиқариш ривожланиш жараёнига мос тушди. Бу ижодий йўналиш тезда кенг минтақаларда ўз тарафдорларини топди. Германияда Баухаус, АҚШда Чикаго архитектура мактаби, собиқ шўролар мамлакатида конструкциячилар (конструктивистлар) бу йўналишни дастак қилиб олишда ва унинг ривожланишига хисса қўшишди. Жумладан Москва архитектура институтида

үтмишда қўлланилган бадиий услублар ва хусусан ордер архитектураси ўрнига ҳажмий-фазовий композитсия таълими киритилди.

### **3. Барқарор шаҳарлар ва “ақлли архитектура” ҳақида**

Бунинг натижасида XX аср меъморчилигининг асосини ташкил этувчи индустрисал иморатсозлик бутун ер юзи бўйлаб бир бирига жуда ҳам ўхшаб кетадиган пораллелопипедсимон иморатларни келтириб чиқарди. Уларнинг барчасида меъморий ижодиёт Декарт координиталар тизимиға таянган бўлиб, унинг уч нури бўйлаб композиция шакллантирилар эди. Асосан XX асрга мансуб бўлган ғишт, бетон, панел, темирбетондан қурилган қуттисимон иморатсозлик қурилиш технологиялари “супремантизми” номини олди. Мана шу йўналишларнинг ғоявий моҳиятини ўзига сингдирган супрематизм тарафдорлари (К.С. Малевич) обастракционизмнинг авангард йўналиши сифатида юзага келиб, тасвирий аҳамиятга эга бўлмаган тўрт бурчак, уч бурчак, тўғри чизиқларнинг ассимметрик тарзда, турли рангларда ўзаро боғланишни композициянинг моҳияти қилиб олишарди. Шунинг учун ҳам индустрисал архитектура супрематистик архитектура сифатида эътироф этилади. Ўрта асрларда Ўрта Осиё меъморчилигида сейсмик уйнинг пойдеворига бўлган таъсирини камайтириш мақсадида унинг асосида қум, шағал, қайроқтошлар, харсангош, жун, қамиш сингари демпферловчи материаллар тўшашган. Парамодерн иншоотлари учун эса кўпинча пойдевор зарур эмас. Бинолар шакли эса антисупрематистик шаклда яратилади. Бунда нафақат биноларнинг антисейсмик ҳолати, балки бугунги шаҳарсозлик ва экологик жараён келтириб чиқарган “барқарор шаҳарлар”, “ақлли архитектура” тамойиллари тўлақонли намоён бўлади.

Наноматериалларнинг меъморчиликада қўлланилиши шаҳарлар эстетикасининг янги йўналишининг келтириб чиқарди. Архитектура лойиҳалашда бадиий лойиҳалаштириш – дизайнга кенгроқ ўрин берилди. Эндилиқда фантазияга кенг йўл очилди. Компьютер ёрдамида хоҳлаган шаклни лойиҳалаб бичиш мумкин. Бинолар мустаҳкамлиги ошади, қурилиш муддати

қисқаради, атроф-мухиттга зиён етказилмайди, тежамкорликка эришилади, турли қулайликлар яратилади.

Бунинг учун архитекторлар, қурувчилар, дизайнерлар нафакат меъморчилик, қурилиш технологиялари ва бадиий лойиҳалаш қонуниятларини, балки биохимия, микробиология, генетика ва генлар инженерлиги каби қатор бошқа фанларни ҳам ўрганишмоқда. Бу соҳада айниқса Заха Ҳалдид ва Норман Фостерлар ва Япония архитекторлари катта ишлар қилишди. Заха Ҳалдиднинг Бакудаги Ҳайдар Алиев маркази ва Гуанчжоудаги Опера театри диққатга сазовордир. Бу опера театрида нанобетон билан турли конструкциялар ўзгарувчан хоналар тузиш имкониятини бериши билан бирга айни пайтда мустаҳкам ва гўзал иншоот яратиш имконини берди.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра яқин келажакда таркибида нанонайчалари бўлган ўзига хос наносимчалардан бино эгасининг геномига мос келадиган нанотўқимадан ташкил топган биноларни яратиш мумкин. Пружина ҳолатидаги пўлат симдан ташкил топган каркас сават сингари тўқилади потех деб номланадиган ёнмайдиган мато билан ичкари ва ташқарисидан қоплаб чиқилади. Уларнинг оралиғи иссиқ-совуқдан муҳофаза қилиш мақсадида ғаво билан тўлғизилади. Пойдевор сифатида керакли нуқталарда харсангтошлари. Бунда ёпмалар оралиғидаги ҳавони бошқариш йўли билан хона ҳарорати назорат қилиб турилади. Бино ташқарисига соя қилиш ва экологик мақсадда турли чирмовчиқ ўсимликларни ўстириш мақсадида капрондан ишланган маҳсус тўр ўрнатилади.

Ноанъанавий архитектура иншооти сифатида 2010 йилда Хиндистонда қурилган Мумбай Киберструктуравий Тухумни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу тўқила тўр ичига жойлаштирилган қийшайтириб қўйилган тухумни эслатувчи иншоотdir.

Шанхайда яратилган наноқоплама девор ва дераза ойналарига ўрнатишга мўлжалланган бўлиб қуёш энергиясини йиғувчи батареялар вазифасини бажаради ва энергия тежамкорлигини таъминляяди.

Россиялик архитектор Ю.В. Шевнин ДНК молекулаларининг тузилишига ўхшаш турли қобиқни кашф этди. Энди у мия нейронларининг тўқимаси асосида қурилиш иншоотининг тўқимасини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Фулерин ва саватсимон тўқимали қобиқландан дизайнерлар Декарт координатлар ўқлари ўрнига ромбометрик тизим координатларини қўллашмоқда. Бунда ромбометрик матритса иккита тетрайдр ва октайдрдан ташкил топади. Шунингдек тўрга осилган сув томчиларига ўхшаш қобиқлардан бинолар қуриш ғояси ҳам кўтарилиб чиқмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нанотехнологиялар асосида шакланаётган иншоотлар, айниқса фуллеринлар, ромбометрик бинолар, томчисимон бошқа тўқимали қобиқлар анъанавий қўчалар тизими ҳамда шаҳарлар структурасига планировка жиҳатидан жуда ҳам мос тушмайди. Бунинг учун шаҳарсозлик услубияти ҳам ўзгариши керак. Балки автомобил транспортидан ташқари электромобил, монорелс, осма йўл ва бошқа янгича транспорт турлари қўлланилиши тўғри бўлар. Шаҳар структураси шунга мос равища ўзгариши керак.

Япониялик олимлар бундан ярим аср муқаддам Виктория-регия деб номланувчи нибуфарсимон гул тузилишини ўрганиб чиқиб сувда қалқиб юрувчи шаҳарчалар лойиҳасини ишлаб чиқишиган эди. Ҳозирги пайтда улар “Кема-уй” деб номланувчи қалқиб юрувчи нанотехнологик иншоот лойиҳасини ишлаб чиқишиди. Бундай иншоотлар жуда ҳам кўп лойиҳаланган. Смарт Ҳоусе (Ақлли уй) деб номланувчи иморатлар шаҳарсозликка кенг кириб келди. Абу Даби, Дубай, Тайван, Малазия, Сингапур ва бошқа ерларда бира тўла бир неча минг киши истиқомат қилишига мўлжалланган уйлар қурилмоқда. Шаҳарларни лойиҳалаш ва шаҳарлар эстетикаси тўғрисидаги тушунча ва фикрлар ҳам шунга мос равища ўзгариб бориши керак. Нанотехнология ва ИТ ҳамда ГИС технологиялар ривожи тамоман янгича шаҳарсозликнинг келиб чиқишини тақозо қилмоқда. Анъанавий функционал зоналаштириш ўта пирамитив тушунчага айланиб қолди. Бу догмадан қутилиш учун мобил ва интенсив технология замонида шунга мос равища мобил ва интенсив фикрлаш лозим.

Ўшандагина замонавий бош план (режа) ва унга мос шаҳарлар эстетикаси юзага келади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Шаҳарлар қандай функционал қисмларга ажратилади
2. Урбанизацион жараён қандай жараён
3. Саноат ишлаб чиқариш худудларининг шаҳарсозликка таъсири
4. Шаҳарсозлик маданияти деганда нимани тушунасиз.
5. Ақлли архитектура тушунчаси қандай тушунча

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Аҳмедов М. Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -215с.
2. Аҳмедов М. Қ. Меъморий мерос/Самарқанднома; Темурнома. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011, 211с., илл.
3. Байхаки А.Ф. История Масъуда (1030-1041 годы), изд. 2-е дополненное. - М.: Наука, 1969.
4. Бабуров А.В. Проблемы сохранения исторической среды (обзор). ЦНТИ по гражданскому строительству и архитектуре. -М.: 1977. 57 с.
5. Бакланов Н.Б. Архитектурные чертежи узбекского мастера XVIв.

**6-Мавзу:Ўзбекистон шаҳарсозлигининг истиқлол даври вазифалари ва шартлари. Ландшафт дизайни ва меъморликдаги инновацияларнинг янги шаҳарсозликка таъсири.**

**Режа:**

1. Истиқлол йиллари меъморчилиги
2. Шаҳарлар қиёфасини янгича шакллантириш масалалари
3. Табиий ва сунъий ландшафтларнинг қўлланиш тамойиллари

**Калит сўзлар:** Истиқлол,ландафт, меъморчилик, шаҳарсозлик, барқарор, инновация, декоратив боғ-роғ, чорбоғ, фаввора, худуд,ансамбл.

**1. Истиқлол йиллари меъморчилиги.**

Ўзбекистонда сўнгги йилларда демократик хукукий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар бутун жаҳон эътиборини ўзига тортмоқда. Бундай туб ўзгаришлар замирида истиқлолимизнинг бош меъмори юртбошимизнинг фидойилиги ва жонкуярлиги ётиши ҳеч кимга сир эмас. Мана шундай глобал ривожланишининг яна бир намунаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил, 12 март куни, Р-3806 сонли Тошкентнинг эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободанлаштириш бўйича қабул қилинган фармойишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

— Истиқлол меъморчилигига янгича жамоат бинолари ва уларни лойиҳалаш йўналиши шаклланди. Уларнинг бадиийлигини кучайтириш мақсадида ансамбл, комплекс ва ландшафт меъморчилигига кенг ўрин берилмоқда;

— Истиқлол мафкурасини акс эттирадиган Тошкент шаҳридаги Олий Мажлис биноси, Алишер Навоий Миллий боғи ансамбли, Анжуманлар саройи мажмуаси ва бошқа меъморий ансамбл ҳамда комплексларнинг шаклланиш қонуниятлари чуқур илмий таҳлил қилиниб, ОТМ талабалари ва лойиҳачи – амалиётчи архитекторлар орасида мунтазам ўрганилиб борилиши лозим;

Ўзбекистон меъморлиги ва шаҳарсозлиги истиқлол мафкурасини белгилаб берадиган мана шу йўлдан оғишмай ривожланиб бормоқда. Буни биргина мисол Тошкентимиз юраги- Мустақиллик майдонининг ижодий қиёфасида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон жуда қадим замонлардан бошлаб жаҳон маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутиб келган. Фикримизнинг исботи сифатида бу ердаги Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Андижон, Кўқон каби тарихий шаҳарларнинг ўзининг меъморий обидалари билан дунёга машҳур эканлигини эслатиб ўтиш кифоя.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларининг тикланиши ва унинг асосида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиш тарихи милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларига бориб тақалишини кўрсатмоқда. Бинобарин, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши ва Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли хорижий ташкилот ҳамда чет эл мамлакатлари элчихоналари ва олимлари эътирофи иштирокида нишонланганлиги фикримизнинг далилидир.

Бироқ, собиқ шўролар ҳокимияти даврида, миллий меъморлик мана шундай қадимий шаҳарсозлик анъаналари етарлича ҳисобга олинмаганлигини кўрамиз. Чунончи Самарқанд, Андижон, Бухоро ва бошқа тарихий шаҳарларимизда қурилган типовой 4-5 қаватли турар жойларни, кинотеатр, кафе ва бошқа кўпгина иморатларни Россиянинг Магнитогорск, Челябинск шаҳарлари, Белорусия ва Украина республикаларининг кўплаб шаҳарларида учратиш мумкин эди. Бунинг сабаби шундаки, ўша пайтларда қабул қилинган қатор дастурларнинг мақсади индустрисал усулни қўллаб, аҳолини турар жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Бироқ бу дастурлар амалга ошмади ва 1980-йилларнинг охирларида юзага келган сиёсий аҳвол бир қатор ўзбошимчаликларга олиб келди. Бунинг натижасида аҳоли уй –жой билан етарлича таъминламаганлиги туфайли 1980 йилларнинг бутун собиқ шўролар мамлакати бўйлаб қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳисобидан индивидуал

уй жой сектори ривожлана бошлади. Саноат корхоналари ва бошқа обьектлар хусусийлаштирила бошланди. Лойихалаш тизими издан чиқиб кетди. Меъморчилик ва шаҳарсозликни ҳуқуқий йўлга солиш муаммоси юзага келди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Давлат Курилиш қўмитаси асосида Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ташкил қилинди. Тез орада “Турар жой кодекси”, “Шаҳарсозлик кодекси” қабул қилинди. Бу қонунлар асосида архитектура ва қурилишни ривожлантиришга қаратилган қатор фармойиш ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Шулар асосида лойихасиз қурилиш таъкидлаб қўйилди. Давлат бюджети ва махаллий хокимиятлар маблағи ҳисобидан шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктларининг бош планларининг тузиш тартиби белгиланди (Бугунги кунда шаҳарлар бош планлари марказлашган ҳолда Республика Хукумати томонидан амалга оширилмоқда).

Маълумки собиқ шўролар даври архитектураси ва шаҳарсозлиги XIX аср охири XX бошларида Европада юзага келган функционализм оқими қонун-қоидалари асосида шаклланган эди. Шу туфайли бу оқимнинг асосини шаҳар худудини саноат, турар жой, дам олиш, жамоа маркази каби функционал зоналарга бўлиш принципи ташкил қиласар эди. Функционализм йўналиши дастлабки XIX-XX аср бошларида саноат шаҳарларини қуриш чоғида ўзини оқлаган эди. Кейинчалик у дормага айланиб қолди ва шу туфайли Европада 1960-чи йилларда ундан воз кечилди. Бироқ таассуф билан шуни таъкидлаш керакки, шўролар тизимидан меърос қолган бу ғоядан воз кечиш баъзи лойихаловчилар учун ҳануз қийин кечяпти. Чунки шаҳарсозликка оид баъзи бир меъёрий хужжатларда шаҳарни функционал зоналарга бўлиб қуриш ғояси ҳамон эътироф этилмоқда. Франция, Голландия, Германия ва бошқа мамлакатларда XX асрнинг охирги чорагигача саноат зонаси сифатида фойдаланилган ва бугунги кунда бўш ётган денгиз порти, складлар, завод ва фабрикалар, худудлари турар жой ва дам олиш масканлари сифатида қайта лойихалаётганлигини кузатиш мумкин.

Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарсозлигига ҳам талайгина ишлар қилинди. Чунончи Самарқанддаги кўн заводи, спирт-ароқ заводи, трикотаж фабрикаси, Бухорода пахта заводи, гўшт комбинати, Фарғонада ёғ-экстракт заводи, Андижон, Ургенч ва бошқа шаҳарларда собиқ шўроларнинг марказга йўналтирилган иқтисодиётига қаратилган талайгина бўш ётган саноат корхоналари ва улкан складлар худуди янги мақсадларда қайта бошдан планировка қилинди. Бу ҳудудларинг аксарияти савдо-сотик муассасалари ёки кўкаламзорлаштирилган майдонлар сифатида ишлатилмоқда. Лекин ҳали ҳануз бўш ётган мана шунга ўхшаш талайгина саноат корхоналари ҳудудларидан самарали фойдаланилмаяпти. Бунга эски шаҳарсозлик меъёрлари ва усуллари йўл қўймаяпти. Шунинг учун ҳам эски усуллардан воз кечиб, Республикализ шаҳарсозлигига юртбошимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган ишлар чуқур илмий тахлил қилиниб, шаҳарсозлик амалиётига кенг татбиқ этилмоғи лозим. Маълумки шаҳарсозликнинг бош омилларидан бири бу ишлаб чиқариш кучлари, аҳоли яшаш пунктларининг ўзаро жойлашуви ва уларнинг ўзаро боғловчи йўллар тизимининг шаклланишидир. Шу туфайли креатив инновацион ғоялар асосида Асака ва Самарқандда автомобил заводлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентдаги вагон-ремонт заводи, металл қувиш заводи, мотор заводи ва вилоятлардаги қатор текстил фабриклари, гилам фабрикалари, логистика марказлари ва бошқалар бунёд этилди. Қисқа муддатда тамоман янги мазмундаги саноат бинолари меъморчилиги саноат бинолари меъморчилиги юзага келди.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонни бошқа вилоятлар билан боғловчи темир ва автомобил йўли, Фарғона водийсига олиб борувчи тунелли тоғ довони йўли, ўнлаб кўприк ва йўл ўтказгичлар бунинг гувоҳидир.

Ҳар қандай муҳит унда яшовчи инсонларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уларга мослаштирилади. Инсон атроф-муҳитдан факат ўзининг ички талаблари ва интеллектига мос келадиган элементларни танлаб олади. Ўзи яшовчи жараёнда атрофдаги турли хил фрагментларни интеграция қилиб, ўз атрофида бутун муҳит ҳосил қиласи. Айниқса, атроф-муҳитни безашда катта

ахамиятга эга бўлган ландшафт архитектураси ва дизайни асосий бинонинг образини очиб беришда муҳим рўл ўйнайди. Ландшафт дизайнни нафақат шаҳар архитектурасида, балки қишлоқ муҳити ва архитектурасида ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

## **2. Шаҳарлар қиёфасини янгича шакллантириш масалалари.**

Ўзбекистон иқлим шароитини ҳисобга олиб, шаҳарсозликда ландшафт архитектурасини қўллаш йўналиши юзага келди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида кенг ривожланган декоратив боғ-роғлар ва чорбоғлар, фавворалар бунёд қилиш санъати давом эттирилиб, Тошкент шаҳрида Аква парк, Шаҳидлар хотираси мажмуаси, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ва ўнлаб бошқа боғлар, фавворалар ландшафт меъморчилигини янгича босқичга кўтарди. Тошкентдаги Бўзсув ва Ургенчдаги Шовот каналлари ёқасидаги оромгоҳларнинг яратилиши соҳилбўйи архитектурасини юзага келтирди.

Ўзбекистон меъморлари уюшмаси томонидан 2010-йил, 15-16-май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида “Қишлоқларни архитектура шаҳарсозлик жиҳатларидан ривожлантириш”га бағишлиланган илмий-амалий семинар-кенгаши ўтказилди. Бунда, вилоят қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ фуқаролар йигинлари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳаларини қишлоқ аҳоли пунктлари бош режалар лойиҳалари билан биргаликда ишлаб чиқиши мақсадида 2009-2013-йилларга мўлжалланган вилоят дастури ишлаб чиқилди ва шулар асосида вилоятда кенг ишлар амалга оширилди.

Хоразм воҳасидаги қурилиш ва ободончилик соҳасида олиб борилаётган улкан ишларни вилоят маркази Урганч шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Шаҳарнинг табиий географик-жойлашуви Амударё шаҳобчаси - Шоҳобод канали билан боғлиқ.

Бугунги кунда Пахлавон Маҳмуд, Абу Алғозий, А.Баҳодирхон, Ал-Хоразмий кўчаларининг ўзаро боғланиши илк марта ҳалқа тизимида янгитдан барпо этилди.

Шаҳарнинг марказида жойлашган ушбу кўчаларнинг ландшафти ўзгарибгина қолмай, улардаги бинолар ҳам қайта қурилиб ҳамда реконструкция қилиниш самараси ўлароқ янгича тус олди.

Буларнинг барчаси инновацион ғоялар амалга оширилмоқда. Ҳовуз ва фаввораларни лойиҳалашда янгича технологиялар қўлланилмоқда, турли суғориш ускуналари, жумладан автоматик пуркагичлардан фойдаланилмоқда. Илгари дараҳтлар тури ва кўринишига етарли эътибор берилмаган бўлса, эндиликда каштан сингари ҳавони яхши тозалайдиган, қуюқ соя берадиган, тикка ўсадиган, одам организми учун зарур бўлган фитоциidlар ишлаб чиқарадиган игна баргли дараҳтлар, гул ва буталарнинг янгича турларига кенг ўрин берилмоқда. Мустақиллик даври шаҳарсозлигининг инновацион ғояларидан яня бири Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлармисолида тадбиркорлик обьектларини ўз ичига олган ўрта қаватли турур жойлардан ташкил топган шаҳар иарказий магистралларини шакллантириш фаолиятидир. Бу амалиёт анъанавий расталарни замонавий технологиялар асосида қайта тиклаш харакатидан ташкил топиб, ҳалқ учун қулай ва Европа шаҳарсозлигига бугунги кунда қўлланилаётган усулга мос келади.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларининг қайта тикланиши қадамжоларнинг ободонлаштирилиши, узоқ тарихий даврларда миллатнинг фахри бўлган шахсларни улуғлаш ғоясини ўртага ташлади. Ином Бухорий, ал Хоразмий, ал Фарғоний, Ғиждувоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари зотларни улуғлайдиган ўнлаб мемориал мажмуалар, Хотира майдонлари юзага келди. Ўзига хос мемориал мажмуалар тиклаш йўналиши шаклланди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қарши, Кўқон, Шаҳрисабз ва бошқа тарихий шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлар жойлашган ҳудудлари ўзига мос замонавий усулда, туристларга қулай тарзда ободонлаштирилди.

Мехмонхоналар тизими ривожлантирилди, туризм даромад манбаига айланиб бормоқда.

Республика вилоятларини ўзаро боғлаб турувчи хоҳ темир йўл, хоҳ автомобил йўлларида кезиб юрар экансиз, намунавий уйлар асосида бунёд этилган ва қурилаётган қишлоқ уйларини кўриб қувонасиз. Уларнинг барчаси замонавий савдо-маиший ва инженерлик ҳизмати инфраструктураси билан таъминланган. Буни ҳорижий меҳмонлар жаҳон шаҳарсозлиги амалиётида мисли кўрилмаган ҳодиса сифатида баҳолашмоқда.

Бироқ, баъзан лойиҳалаш амалиёти шаҳар ва қишлоқларни қайта қуриш талабларига етарлича мос келмаётганлиги кузатилмоқда. Баъзи ҳолатларда аҳоли яшаш пунктлари бош планлари ҳали ҳам функционал шаҳарсозлик дормалари асосида тайёрланмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда бўш ётган ёки самарасиз ишлатилаётган собиқ улкан саноат ва склад зоналаридан етарлича фойдаланилмаяпти. Кичик шаҳарларни лойиҳалашда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган марказий кўчаларни лойиҳалаш талаб даражасида эмас.

### **3. Табиий ва сунъий ландшафтларнинг қўлланиш тамойиллари.**

Шаҳарлар структурасида кичик ва ўрта бизнес обьектлари учун етарли ўрин берилмаганлиги турар жойларни нотураржойларга айлантириш заруратини келтириб чиқармокда. Ўрта маҳсус касб-хунар таълими обьектларининг турларини аниқлаш ва аҳоли пунктида жойлаштиришнинг ягона механизмини ишлаб чиқиш лозим. Ландшафт архитектурасини қўллашда тақлидчиликдан чиқиб, игна баргли дараҳт, фаввора ва сув пуркагичларни минтақа ва унинг табиий шароитига мос равишда қўллаш усусларини ишлаб чиқиш зарур. Сўнгги йилларда ҳорижий мамлакатларда “Барқарор (устойчивый) шаҳар” тушунчаси юзага келди. Бундай шаҳарлар чиқитқисиз ишлашга қаратилган. Ундаги ҳар қандай чиқитқими-ахлатми у, оқава (канализация) сувими у, қайта ишланиб шаҳар муҳандислик тармоғига қайтарилади. Масалан, Копенгагенning (Дания) турар жой районида, аҳоли

яшаш жойи ўртасида майший-хўжалик ахлатини қайта ишлаш заводи қурилган. Уни аҳоли яшаш пункти ўртасида қурилишининг сабаби шундаки, ахлат мана шу аҳоли орасидан чиқади. Бинобарин, уни ташишга бўлган харажат тежалади. Иккинчидан мана шу ахлат сараланганидан сўнг, металл, қоғоз, пластик, ёғоч, латта каби материаллар қайта ишлашга юборилади, унинг ҳеч нарсага яроқсиз қисми маҳсус ёпиқ камераларда ёқилиб, иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади ва бу энергия мана шу атрофдаги аҳолига жуда ҳам арzon нархда реализация қилинади. Барқарор шаҳарларда ҳамма нарса экологияни яхшилашга, ресурслардан оқилона фойдаланишга ва тежамкорликка қаратилган бўлиши керак. Унда шаҳарларнинг ўсиши шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерларни сотиб олиб ёки қўшиб олиб кенгайиши ҳисобидан эмас, балки шаҳар ҳудудидаги самарасиз фойдаланилаётган ерлардан мақсадли фойдаланишга қаратилган бўлади. Шу туфайли биноларнинг баландлиги ва зичлигини оширишга аҳамият берилади. Барқарор шаҳарларда “ақлли архитектура” деган тушунча ҳам пайдо бўлган. Бундай архитектура энергия тежамкор, қулай иморатларни яратишга қаратилган. Унда ҳам иккиламчи (қайта тикланадиган) энергия-чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан фойдаланиш, қуёш, ҳаво, сув ва бошқа табиий манбалардан энергия олишга катта аҳамият берилади. Бундай иморатларда қор-ёмғир сувларини жамлаб улардан фойдаланиш, иссиқлик ва умуман энергияни тежаш, имкон даражасида чиқиндилардан оқилона фойдаланишга кенг ўрин ажратилади.

Франциялик архитектор Пьер Лефеврнинг маълумотига қараганда, Франциянинг жанубий шаҳарларида ёзниң иссиқ кунларида аҳолини жазирамадан химоя қилиш учун ҳозирги пайтда кўчалар тор қилиниб, иморатлар кўчаларга кўпроқ соя соладиган қилиб қурилаётган экан. Сўнгги 60-70 йилларда унутиб юборилган бу усул ўрта асрларда бизнинг анъанавий шаҳарсозлигимизнинг асосини ташкил қилган.

Чет элларда сўнгти пайтларда “Куёш шаҳар”, “Яшил шаҳар”(архитектор Эдриан Смит) ғоялари илгари сурилмоқда. Улардаги бош мақсад транспорт ҳаракатини иложи борича ер остига тушириш, яшил томлар барпо этиш,

иккиламчи энергиядан фойдаланиш, шаҳар иморатлари бир бирига иложи борича яқин, тиқис қилиб куриб, шаҳар атрофида боғлар ташкил қилишдан иборат. Бу ғоя ҳам ўрта асрлардаги Амир Темур шаҳарсозлигини, унинг шаҳар атрофидаги яратган аҳоли фойдаланиши учун очиқ бўлган чорбоғларини эслатади.

Демак, замонавий шаҳарсозликда функционал шаҳарсозлик дормаларидан воз кечиб, ҳар бир аҳоли пунктларини лойиҳалашда унинг генетик асосини аниқлаб, табиий ўсиш йўлларини ҳисобга олмоқ ва сўнгги йилларда Мустақиллик даври келтириб чиқарган янги усууларидан кенг фойдаланиш керак. Қадимги шаҳарсозлигимизга хос бўлган ансамблсозликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир шаҳар ўзининг қўринишини сақлаб қолиши учун унинг ўтмишдаги шаҳристони, чорсуси, расталари, майдонларининг ўрни аниқланиб, янги шаҳар компонентлари билан узвий боғланиши даркор. Замонавий шаҳарларни лойиҳалаш амалиёти Ўзбекистоннинг бой шаҳарсозлиги анъаналари, Мустақиллик даврида юзага келган янги инновацион ғоялар ва ҳорижий шаҳарсозлик тажрибаси асосида давом эттирилмоғи лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Истиқлол йиллари шаҳарсозлиги қандай ўзгаришлар рўй берди
2. Шаҳарсозликда қандай ландшафт турлари қўлланилади
3. Шаҳарлар қиёфасини шакллантиришда бадиий ва тасвирий воситаларини ўрни қандай
4. Экологик иқлим шароитининг шаҳарсозликка таъсир қилувчи қандай омиллари мавжуд
5. Инновацияларнинг янги шаҳарсозликка қандай таъсир қилувчи омилларини биласиз?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси. (асосий тушунча ва тамойиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

- 2.** Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси // дарслик, 1 қисм.  
Тошкент: Чўлпон, 2009, 160 б.
- 3.** Пўлатов X. Шаҳарсозлик тарихи. Тошкент: 2009
- 4.** Исамухамедова Д.У. шаҳарсозлик асослари // Ўқув қўлланма. Тошкент:  
ТАҚИ, 2000, - 140 б.
- 5.** Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон,  
1995. – 215 б.

## ГЛОССАРИЙ

1. Агломерация – аҳоли пунктларининг ўзаро гурухлашуви;
2. Адир (аридное) ерлар шаҳарсозлиги - бўз ерларда аҳоли пунктини жойлаштириш;
3. Ансамблсозлик - икки ва ундан ортиқ иморатларни уйғунлаштириб қуриш;
4. Анъанавий Шаҳарсозлик - янги замондан илгари давр шаҳарсозлиги анъанлари;
5. Аҳоли яшаш жойлари (пункта) - шаҳар, қишлоқ, кўрғон ва шу сингари маълум бир аҳоли яшаш инфраструктураси;
6. Бино - якка олинган, қурилиши тугалланган иншоот.
7. Бош тарх, бош режа, бош план - бино ёки бир неча иморат, аҳоли яшаш пунктларининг ҳудудида жойлашувини ифодаловчи чизма.
8. Боғ санъати - аҳоли ёки унинг маълум тоифаси истироҳати учун маълум қонуният асосида шаклланган боғларни ташкил этиш маҳорати;
9. Вар - қадимги анъанавий чодир - шаҳарлар;
10. Вилла (уй) - Вилла урбано - шаҳар ҳовли (уйи); Вилла рустака - дала уйи, қишлоқ ҳовлиси;
11. Готика - Эвропа санъатидаги услуб;
12. Гулзор - гул экилган майдон, чорбоғ элементини;
13. Дала ҳовли - аҳоли пунктидан ташқарида жойлашган ёзги тураржой;
14. Дюкер - ўзаро кесишган икки сув йўлини ташкил этиш технология маҳсули;
15. Эр урбанистикаси - аҳоли яшаш пунктларининг ер ости ягона инфраструктурасини ташкил этиш;
16. Зоналаштириш - аҳоли пунктини функционал, техник, композицион ҳудудларга, аҳоли пунктларини туман вилоят, регион, давлат миқиёсида ҳудудлаштириш;
17. Йўлдош шаҳар - XX аср шаҳарсозлигида мегаполислар аҳолисининг ўсиб

боришини бошқариш мақсадида унинг атрофида мустакил аҳоли пунктларини ташкил этиш ғояси;

18. Конурбация - йирик шаҳарларнинг кичик аҳоли пунктларини “суриши” орқали ўсиши;
19. Ландшафт - манзара;
20. Табиий ландшафт - бирламчи борлиқ;
21. Сунъий ландшафт - антопоген ландшафт;
22. Микрорайон - аҳоли яшаш пунктларини уч босқичли хизмат қўрсатиш воситасида планлаштиришда қўлланиладиган бирламчи аҳоли пункти. Микрорайонлар туаржой районига бирлашади ёки бир неча микрорайон яхлит аҳоли пунктини ташкил этади. Кейинги пайтларда микрорайонлар “даҳд” деб ҳам юритилмокда. Кўпгина холатларда З босқичли хизмат қўрсатиш қўлланилаётганлиги туфайли микрорайон ҳам истемолдан чиқиб бормокда:
23. Махалла - Ўзбекистон ва бошқа баъзи бир ёндош мамлакатлар анъанавий ҳамда замонавий шаҳарсозлигига қўлланилиб келинаётган аҳоли яшаш пунктининг социал-ижтимоий бўлаги;
24. Махалла маркази - бирламчи маъмурий ўзини бошқарув органи ва хизмат қўрсатиш бино ҳамда хоналаридан ташкил топган уларнинг мажмуаси;
25. Ориентация - биноларни қуёш тушиши ва соя хосил бўлишини хисобга олиб географик томонларда жойлаштириш;
26. Револоризация - “валюта кадрини тиклаш” сўзларидан олинган бўлиб, шаҳарсозликда биноларни таъмирлашнинг усули хисобланади.
27. Регенерация - “генларни янгилаш” иборасидан олинган бўлиб, шаҳарсозликда иморатларни, унинг муҳитини яхшилаш тушунилади;
28. Реконструкция - таъмирчиликда меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, шаҳарсозликда аҳоли яшаш пунктларини қайта режалаштириш;
29. Схема - шаҳарсозликда бош режа ёки унинг маълум қисмининг, хизмат қўрсатиш чизмаларининг бош режани соддалаштириш воситасида кичикроқ қилиб ифодаланиши;
30. Транспорт хизмати схемаси - аҳоли пунктида жамоа, индивидуал, маҳсус

транспорт хизматини кўрсатиш чизмаси, одатда пиёдалар юриш йўлида автоулов тўхташ майдонлари, гаражлари билан биргаликда ифодаланиди;

31. Флористика - “флора”, янги “ўсимлик” сўзидан ясалган бўлиб, ўсимликишуносликни англатади;

32. Урбанизм - “урбано” янъни “шаҳар” сўзидан олинган бўлиб, шаҳарсозликни билдиради. “урбанизация” кенг маънони англатади, чунончи археологияда маданий хаётнинг бошланиши, XIX - XX мисолида аҳоли пунктларининг автомобиллашуви тушунилади.